

БИЛДЕР ВА Оила ва јатіңат ЖЕСЕМДАЙ

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

37

сон

9-15

сентябр
2004 йил



БАХТИМНИ МЕҲНАТДАН ТОПАЯПМАН...

Хоразм вилояти “Феруз” хиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, тадбиркорлар ва ишбильармонарлар харакатининг Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Хоразмдаги кенгаши раҳбари Клара Жумамуродова билан сұхбат.

- Клара, мен сизни узок یиллардан бері тадбиркор аёл, дено раҳбар сиғатида биламан. Бир пайтлари банкротлик ҳолатында түшиб қолған корхонаниң кайтадан оёққа турғазганингиз ҳам өч кимга сир эмас. Раҳбарлық фаолиятингиз, корхона ҳәёті ҳәқида гаирсангиз...

- Юзлаб инсонларнинг тақдиди, түрмушы том маънода раҳбарнинг аклзаковати, тадбиркорлиги мөхр-оқибатига боғлиқ. Мен ишларни бир кун олдин режалаштираман. Энг аввало иш күнимни ишчи ходимлармининг хол-аҳволини сўраш, дийдорлашувдан бошлайман. Уларнинг альо кайфияти кўп нарсани ҳал қиласди. Уларнинг дарди-менинг дардим.

1996 йилда тикувчилик фабрикасининг иктисодий аҳволи тант ҳолатда эди. Мен бosh мұхандис эдим. Тикувчилик фабрикаси 1994 йилда хиссадорлик жамиятига айлантирилган, орадан иккى йил ўтган бўлса-да, иктисодий қийинчиликдан чиқиб кетолмаётган эди. Корхонада ишлаб чиқарыш деярли тұхтади. Ишчилар бўшаб кетишиди. 1996 йилга келиб мингга яқин ишчи меҳнат килаётган фабрика када 15 нафар хотин-қиз колдик. Мен уларни йиғиб, вазиятни тушунтируди вилемнинг тақлифларимни билдирилдім. Мени кўллаб-куватлашларига ишон ҳосил қилинди, ишга киришдим. Корхонаниң банкротликдан олиб чиқиш бизнес режамизни вилоят ҳожимишти ҳам кўллаб-куватлади. Орадан бир йил ўтган, хиссадорларга дивидент берса бошладик. 1998 йилдан бері жамиятимиз фойда билан ишлапти. Ҳозирги кунда 350 нафар ишчи меҳнат қўлмоқда. Корхонада 100 хил турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарипаятти. Шуларнинг 60 фойзи давлат буюртмалари хиссасига тўғри келади. Мен режаларимни ишчи ходимларнинг истак ва таклифлари, орузумидлари билан тўлдириб бораман. Чунки, жамоанинг имкониятлари эътиборга олинмаган экан, бу режанинг ҳәйтитлиги таъминланмайди.

- “Феруз” хиссадорлик жамияти қошида қўшма корхоналарнинг ҳозирги кундаги иктиносидий аҳволи тўғрисида ҳам гапириб

берсангиз?

- 2000 йилда корхонанинг бўшаб қолган бинолари ўрнида “Бизнитруд-Хоразм” масъулиятини чекланган жамият ташкил килишига мусассар бўлди. Ҳозир бу ерда 100 иши ишляпти. Хориждан кетирлиган 44 та “Пиффа-зингер” тиккув машиналари маҳсулотларнинг сифатли, бежирим ишлаб чиқарилишида мумкин аҳамияти касб қилди. 2001 йилда эса Хитойнинг “Азия-Текстил” корхонаси билан қўшма корхона тузилди. Шуниси эътиборга лойикки, замонавий трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ашёни

“Азия текстил” етказиб бермокда. Ҳориж йилнинг 8 ойи давомида 18 тонна трикотаж сурʼи матоси ишлаб чиқарилди. Бу 62 млн. сўмни ташкил қилди. 105 фойзи кўрасатиди. “Бизнитруд-Хоразм” масъулиятини чекланган жамият томонидан 143 млн. 200 минг сўмлик ҳалқ истемоли моллари тайёрланди. “Феруз” хиссадорлик жамиятида эса 233 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўзинш 127,4 фойзи ташкил қилди.

- Давлат, корхона ишларидан бўшаб, қачон оиласигиз, болаларнингга вакт топасиз?

- Биласизми, бўш вактим деярлик йўқ, десам ёлғон эмас. Жамоат ишларим ҳам жуда кўп. 1995 йилдан бері вилемнинг тадбиркор аёллар уюшмаси раиси ва мана якындан бўён тадбиркорлар ва ишбильармонлар ҳаракатининг Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Хоразмдаги кенгаши раҳбари сифатида ҳам фаолият олиб боряпман. Катта сиёсий компания-сайловларга пухта тайёргарлик ишларини бўшлаб юбордик.

Биласизми, мен шу пайтгача тадбиркор аёл эдим, холос. Эндилика сиёсий билимимни ошириб, партияимиз аъзоларини кўпайтиришга ҳам астойдил ҳаракат қилияпман. Либерал-демократик партияси жамиятимизнинг де-

мократик асосдаги етакчи партияларидан бирига айланни лозим.

Спорт-оиласизмнинг севимли машгулоти. Ўғилларим-Дониёр ва Шавкатжон қарата билан шугулланышади. Онам-(Танзила) ва атам (Шоҳназар) болаларимга беролмаётган меҳр-муҳаббатим ўрнини тўлдириша менга астойдил ёрдам берibi келдилар. Онам раҳматлик ўтган йили қазо килдилар. Мен меҳрибон онахонидан эл-юртни севишни, кишиларга бегарас хизмат кўрсатишни ўргандим.

Болаларим бўш вақтларини бехуда ўтказишмайди. Рўзгоримизда кўй, товук, курка бор. Уларни парваришиш, кўпайтириш ишларини ўзлашри үдасидан чиқаётганидан кувонман.

- Дўстларингиз кимлар?

- Менинг дўстларим-корхонанинг фахри бўлган хотин-қизлардир. Уларга ёрдамим тегаётган бўлса, мен жуда баҳтиёрман. Уларнинг баҳт-саодати тўғрисида ўйлаб туриб, ўз баҳтимни ҳам топаётганимни хис қиласман. Мен уларсиз ҳеч ким эмасман. Улар мени, мен уларни тушунмасак иш юришмаслиги тайин. Ўзаро ишонч, бир бирорига суюниб яшаш асосидаги фаолиятимиз корхонанини рентабеллис соҳага айлантириди. Жамоамизда бир-бирорига ҳасад эмас, балки ҳавас билан муносабатда бўлиш мухити қарор топаётганидан кувонман.

- Ҳечам ҷарчайсизми?

- Ҷарчамайман, десам ёлғон бўлади. Мен бу сўзни эсламаслика ҳаракат қиласман. Факат ухлаган пайтимдагимадам оламан. Менимча, спорт билан, шугулланган киши ҷарчаш нималигини билмайди. Гоҳо, ҷарчашга ҳаққим йўқ, ишларим қолиб кетади, деба ўзимни назорат қилиб турман. Баҳтимни меҳнатдан топаяпман, десам муболага эмас. Қолаверса, жамоати бу ерда ишлаб ўтган кўп сонли аёллар менга ишонаётгандаридан бўшилмади.

- Эсимда, 2002 йилда Республикамиз Президенти Ислом Каримов сизга “Меҳнат шуҳрати” орденини тантанали равишда топшириди. Ўшанда жуссаси кичикини, лекин тօғдек юксак қалб эгаси-Хоразмлик аёлла кўпларнинг ҳаваси келди. Аёлларимизга тилакларингиз?

- Аёлларимизга энг аввало бебаҳо саломатликни тилайман. Оилаларимизнинг тинчомонлигини истайман. Эл-юртимизнинг багри бутун, дастурхон тўкин бўлсин.

Дилбар БЕКЖОНОВА
сұхбатлаши

“...Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда, ҳалқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес каби бало-қазолар инсоният ҳаётига таҳдид солиб турган бир шароитда мен ўз уйимиз, ўз муқаддас юртимизни ўзимиз асрайлар, ўзимиз ҳимоя қиласлик, деган даъват ҳар бир юртдошишимизни доимо ҳушёрлик ва огоҳликка чорлаб туришини истар эдим”...

“...Бунинг учун барчамиз огоҳлик ва ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, бепарвонлик ва лоқайдликдан бутунлай ҳалос бўлиб, миллат ва ҳалқ бирлигини янада мустаҳкамлаб, ўзаро аҳил, меҳр-оқибатли бўлиб яшашимиз ва тинчлик учун курашмогимиз керак”...

Президент Ислом КАРИМОВинг Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги муносабати билан ҳалқимизга ўйллаган табрик сўзидан.

Утган ҳафта мамлакатимизда мустақиллигимизнинг 13 йиллиги катта тантаналар билан нишонланди. Энг азиз, энг улуг байрам арафасида

КУВОНЧЛИ ВА КАЙГУЛИ КУНЛАР...

Президентимиз Фармони билан меҳнатда, ҳаётда алоҳида хурматга сазовор юртдошиларимиз “Ўзбекистон қархономи” бўйдилар, хукумат унвон ва мукофотларига лойик топилдилар. Якин ўтмишизмизда мамлакат илм-фани, санъат ва адабиёти равнавига хисса кўшган мархум алломаларимиз “Буюк хизматлари учун” орденига мушарраф этилдилар. Шаҳид кетган қатагон курбонлари ёд этилди. Пойтаҳимизнинг Мустақиллик майдонида ўтган катта байрам тадбирни виолятлар, тумнлар, қишлоқ ва маҳаллаларда давом этиди. Қалбларда Мустақиллик завъ-шукухи хукмон бўлди. Юртимиз ўзра озод, обод оҳанглар янгради, тириклик, шукроалик туйғусидан барчамиз сармас бўлдик...

Аммо... Якин кўшни давлат Россиядаги юз берган террорчилик хуружлари, Москва метрополитенидан бириняни тақиридаги ва осмондаги самолёт портлашлари - бегунон одамлар ҳалокати ва Беслан шахри мактабидаги фожеали воеалар дунёдаги барча тинчликсевар ҳалқлар қаторидан юртдошларимиз қалбини ҳам чукур ларзаг солди. Оила-парварлик, болаларлик, тинчликларлик ҳалқимизнинг устун фазилатларидан. Ўша кунлар юртдошларимиз ёвузлик билан рўпара келган Беслан шахри ахлига руҳан ҳамдард бўлишиди. Бу мушук ҳолатдан омон-эсон чиқишиларини тилаб, дуои фотиҳалар ўқишиди.

Ёвуз террорчи гурухнинг асирига айланни, жони талвасада қолган юзлаб ўн гулидан бир гули очилмаган бегунон болалар, бу ҳаётдаги ширин ташвишлар ва кўражак кувончларни ҳали талайгина бўлган ота-оналар, муаллимлар... Яқинлари ҳаёт, ҳаф滋生лиги учун ғам чеки нола қиласётган одамлар... Инсон умрига - ҳаётига нукта кўшишга мўлжалланиб отлаётган ўқлар, портлашлар...

Дилбар САЙДОВА



**Ибодат аслида ҳалқа ҳизматдир,
На масjid, на жойнамозда бу иш.**

M. С. Шерозов

Анчадан буён ўзим ҳам ёзмоқча чоғланиб юардим. "Жуман ота зўр одам-да! Эй, сен шуни бир ёссанг экан", - дарди ҳамқишлоқларим афсус оҳангидга.

Нихоят, телевидениедаги ҳамроҳларим билан отанинг хуузига - Бахмал туманидаги Коракишлоқка бордик. Жуман ота дунёкараши, ҳётта муносабати, фикрлашлари, бутун маънавияти билан шоир одам экан:

- Муборак Ҳаж сафарига жўнаш кунларимиз якнилашганда жамғарманим кўздан кечираётib, тўхта, дедим ўзимга ўзим. Хўш, Ҳожи бобо бўлиб ҳам кедим, дейлик. Бундан қишлоқка, одамларга нима фойда? Биласиз, ҳар иили кўкламда Санѓзорни сел босади. Чубор ва Коракишлоқ, одамлари селдан ўтолмай сарсон. Бу ёқда болалар сельнинг пасайшини кутиб, мактабга боролмай турса. Бир кунда б соатдан дарс қолдиригандан ҳам, қанча нарса йўкотади. Ке кўй, шу ҳарражатни кўприкка қильсан-чи? Албатта бирор у деди, бирор у бу деди. Бирорлар кулиди. Эътибор қиммадим. Менга бирор ўргаттани, айтгани йўк, Худонинг ўзи дилимга содими, энди кайтиш йўк, дедим. Лоақал 2-3 нафар одамнинг кўнглида яхшилик билан қол-

Шундай яшасанг!

масанг, топаётган миллион-миллион пулларинг ҳам ўрис айтмоқчи, "Ерунда", тўғрими, қизларим?

- Ота, мана пиёдалар учун 260 метрлиги кўпрак қурдирибисиз. Ҳамма устунлари чўяни кувурлардан экан. Қанча маблаг сарфладингиз?

- Энди-и, қизим, шариатда шундай гап бор: "Ўнг қўлинг берган эҳсон-син". Мен шунча пулум кетди, деб санайверсам, миннат қилғандар бўлиб қолман. Қанча кетса, кетди-да!

Кун ботиб кетмасдан Бодомзорни тасвирга олмоқчи бўлдик. Бодомзор денгиз сатҳидан 800 метр баландлиқда, кирнинг устида жойлашган 20 соттих ер экан. Атрофларини наридан бери сим билан ўраб кўйдиди. Тасвирчи йигит тепаликка ҳансираб-ҳансираб чиқиб келаркан, дейди: "Бу ерга чиқиб келгунча майбўлиб қолай қедим. Бу одам бунча ишларни қандай қилган экан-а?.."

- Ота, сувни қандай чиқардингиз?

- Мана шу канал олти чакирим, дарёнинг оқими бўйлаб келаяпти. 1996 йилнинг 15 май куни курилишни катта ҳашар билан бошлаб, 1-июль куни тутатдик. Ҳудди катта Фарғона каналидай 45 кунда битирдик. Шунинг учун бўлса керак, аниқ эсимда қолган. Ҳозир бу каналдан мана эзлик гектардан зиёд ер суюрилаяпти. Одамларнинг рўзғори бут бўлаётган. Богомзорга бораётсак, қабристон йўлиниг икки тарафига катор қилиб ёнғоқ дарахти экилган экан.

- Булав ҳудойи ёнғоклар, - дейди Жуман ота дарахтларга ишора килиб.

- Ҳудойи ёнғоклар?!.

- Ҳа, ким еса ҳам ҳудойи-да. Бизни эсласа эслар, эсламаса

ҳам майлига. Ахир аждодларимиз, хеш-акраболаримиз шу ерда ётиби, шуларга савоби тегади-ку. Ўтган йилдан ҳосилга кира бошлади.

- Ҳажга қачон бормоқчисиз?

- Озми-кўп мўлжаллаган ишларим, ҳали уйланмаган фарзандларим бор, шуларни уй-жойини саранжом қилиған. Ҳудо хоҳласа Ҳаж зиёрати ҳам насиб килиб қолар.

- Нечта фарзандингиз бор,



ота?

Ота истар-истамас жавоб қайтарди:

- Ўн тўрттагина болам бор, шундан 8 нафари ўғил.

Тасвирчи йигит беихтиёр бошини чайқаб, хуштак чалиб юборди.

- Нимага ушуллак чаласан, болам, ит бўл, куш бўл, кўп бўл деган-ку ота-буваларимиз.

- Ишчиларингиз кўтми?

- Ишчиларим - ўғилларим-да. Айтдим-ку, 8 нафар ўғлим бор деб. Келинларимиз ишчиларинг иссиқ-совуғига қарайди. Шукр, бу йилдан невараларнинг каттасиянг ёнимизга қириб қолишиди. Қенжагул момонгиз эса менинг ўнг кўл вазирим. Мана, Богомзорга келдик.

Бу - Самарқанд гилоси, ўрисчалаб, "черешня" дейсизларми,

200 туп. Бу томони тутзор - 600 туп. Атай "Марварид" навидан ўтқизганман. Кўклам келса, бир келиб еб кетинглар. 12 гектари узумзор: ҳусайнӣ, жовуз, кишмиш, чарос, тоифи... Бўёғи эса олмазор.

- Қаранг, шундай одамлар бор экан-а, яшасанг шундай яшасанг-да, - деди ҳамроҳим. Нотекис йўлда силканиб кетаяпмиз. Ота узр охангиди деди:

- Шу машинани бир янги дайману, вақтни қизғанаман-да. Ҳай, майли, бош омон бўйса давлатнинг кам дема деганлар-а. Сафар давомида мен бир оғиз ҳам савол бермадим. Ғақат кузатдим. Англадимки, бу одам ҳеч нолиш қилмас экан. Но лиши нишукрлик деб биларкан. Ажаб, бир давра тенгкур чоллар билан турибиду барисидан ёш, ўқтам кўринади. Яратган Оллоҳ сўйган бандаларини гайрати яратарканми?..

Корону туша бошлаганда Жуман отанинг ҳовлисига кириб келдик. Супаларда лалми ерларда этиширилган қовун-тарвузлар, ошқовок, пиёзлар, нұхату писталар уюм-уюм бўлиб турарди.

- Қовунларни ертўлага осиб қўямыз, тарвузларни сомонинг ичидаги сақлаймиз, - деди-ди ўғли Холикул. - То янаги йил қовун-тарвуз пишиғигача етади. "Ана ўзбекнинг асл, баракатли хонадони! Ери, имкони бўла туриб ҳам 10 сўм пул топса қисимлаб, бозорга чопадиган одамлар қайда-ю..."

- Ота, корону тушунгачамиз сиз қилган ишларни тасвирга тушириб улгурмадик. Шунча юмушлар бир одамга оғирлик қилмайдими? Нат-фақа ёшида бўлсангиз...

- Жинимдан ёмон кўрганим бекорчи, ялов одамлар. У йўк, бу йўк, пенсиян кам деяверадиган одамларни кўсум қоним қайнаф кетади. Йўк бўлса ҳаркат қил, кўл-оёғинг ҳам йўқми?!

Мехнат қил, ана қанча ерларни янток босиб ётиби! Баридарди-касалинг шундан дейман. Аслида орияти, гурури суст одамлар ўзини бечора, шўлрик қилиб кўрсатади. "Ўзбекистон-келажаги буюк давлат, улуг давлат", - деяверганимиз билан буюк бўлиб қолмайди-ку. Бунинг учун меҳнат килиш керак. Пок ният билан меҳнат килган бандасига Ҳудобариб ҳам мукофотини беради. Енинг юзини ҷончанча очсанг, Оллоҳ сенинг юзингни шунча очавераркан. Жуман ота ўзи айтишини истамаса ҳам ("Кўй-э, қизим, уят бўлади, бундай деб сўрама!"), биз атрофигилардан боғ ва полиз даромадларидан қанча-қанча камхарж оиласларга, меҳрибонлик уйларига ҳайрия қилганинг билиб олдик. "Кишилоқда ким қасалхонагами, турхонагами борар бўлса, албатта шу кишига келамиз", - деди-ди қўшиллар. - «Яна ҳарбий аскарларга уйнинг овқатини соғингандир?» - дег теззат катта қозонда ош дамлаб беради дeng. Бу кўшнимизнинг баҳоси йўк-да...

- Мен 40 йил ҳайдовчилик қилганим кизларим, - деди-ди. - Кўп ҳойларни кўрганман. Ўзбекистоннинг туродигид тупроқ, йўк. Қоккан қозикдай қотиб тураверганимиз-да. Мана, элга ҳурир бўлди. Энди ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

Бунчалик гайратли, дарёдил одамга қараб туриб, бирорва 15 сўми ўтиб қолса ақидан озгурадай бўладиган одамларни эслаб, шуурим ҳориб қолади.

Багри офтобдай тафтили юртим, Оллоҳ назар солган баҳтили юртим, Шундай одамларинг бор бўлсин, Шундай одамларинг кўп бўлсин!

Сайдина БОБОМОРУДОВА, Жиззах вилоят маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси.

ларнинг улушини адолатли равишда ажратиб беришга эришгаймиз. Аммо шу ўринда, аёлларимизнинг ўз ҳак-хукуқларини танишларни, оила мабдагига қўшилган ҳар бир сўмларига азалик муҳарларини қолдиришига эришишларни истардим. Кейнинг пайтда "Никоҳ шартномаси" конунга киритилди. Хотин-қизларнинг жамиятда, ҳаётда тутган ўнгрига кўпроқ ётибор қаратиляпти. Айниқса ҳомиладор ва ёш болали оналарга бериладиган имтиёзлар кўп йиллик муаммоларнинг ёчими бўлди.

Ҳар қандай вазиятда ҳам қонунга мувофиқ йўл тутамиз. Зоро, қонунларда Инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

Баъзан оиласда, иш хойларда аёллар эрки, ҳуқуқи, имтиёзларига ноқонуний ёндошилган ҳолларга дуч келамиз. Бу масалаларни маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари вакиллари билан биргаликда ҳаммага овозга қилимай, жойларда ҳал қилишга ҳаракат қиласиз. Чунки ўзбек аёли қадимдан андишли, сабр-бардошли бўлиб келган. "Бирор ёштаси, нима дейди?", - деган ўйланадиган аёл ҳар қандай адолатсизликни ҳам ичига ютишига ҳаракат қилган. Бу эса ахийири уни "жар" ёқасига олиб келандагига маълум бўлиб колади...

Истагим: аёл ҳам, эр ҳам ўз бурчига содиги бўлса, бир-бирини қўлласа, аяса, фарзандларни тарбиясига бирдай масъул эканларига дилдан хис этса, оиласларда тинчлик, адолат хукм сурса!

Анвара ТОШКАНОВА, Шахрисабз туманлараро Фуқаролик ишлари бўйича суд раиси.

Махал-ламиз шахардан 15 км. мософада. Аммо, бизда телефон умуман йўк, "Тез ёрдам" хизмати нималигини ҳам билмаймиз. 2-3 минг сўм кира килиб такси ёллаб шифохонага борамиз.

Эътиборга мухтожмиз

Газ, электр чироги тез-тез ўчиб туради. В ыилдан бери иссиқ сув берилмайди. Қишилари электр печа ёқиб қилемиз. Кўп қаватли уйда яшасак-да, совук сувни кўчадан ташимиз. Кун ора ярим соатдан беришади. Агар сув ололмай қолсан, ариқдан олиб қайнатиб ичамиз. Оқибатда тез-тез касал бўлиб қоляпмиз. Агар жанжал-тўполон бўлса мелисан 5 км. наридан айтиб келамиз. Шунда ҳам келса-келади, келмаса йўк. Иш дегани анқонинг уруғи. Шахарга бориб ишлаш учун имкон йўк. Ёшлар учун ҳеч қанقا имконият, шароитлар яратилмаган. Гўё борса келмас масканда яшаймиз. Мехр-муруват йилида зора овозимиз масъул идораларга етиб борса-ю, кўрганимиз шамол тегиб, шароитимиз сал бўлса ҳам яхшиланса деб, умид килиб қоламиз.

Зулхумор ИБРАГИМОВА, II-гурун ногирони. Тошкент вилояти, Зангнота тумани, Янги-ҳаёт маҳалласи, М. Улуғбек кўчаси, 3-йўл, 42-хонадон.

БУРЧ, МАСЪУЛИЯТ УНУТИЛМАСА...



Бугун аёлнинг

ҳаётидаги, жа-

миятдаги ўнга

зўтибор катта.

Ўзбекистон

Республикаси

Президентининг

"Ўзбекистон

хотин-қизлар

қўмитаси

фаолияти

тўллигидан

бераётган

хотин-қизлар

қўмитаси

фаолияти

тўллигидан

ОНАНИ НИМА

Менимча мөхр ва сабру тоқат онани улуғласа керак. Энг аввало онанинг боласига бўлган мөхри. Атрофимизда оналар ҳам, болалар ҳам кўп. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам улуғ оналар ва ҳаққоний фарзандлар сафиға кира олмайдилар. Она боласини қанча улуғласа — вояга етгандан сўнг боласи ҳам қарзини узиш учун онасини юз карра улуғлаши лозим бўлади. Фарзандни улуғлаш дегани — бу уни она меҳридан тўйдирish. Кечалари боласи чурк этса, "ҳа, жонгинам", деб сакраб туриб кўкраг беришилар, тили энди пайдо бўлаётган палла ширин-ширин сўзларни айтиб эркалашлари, пахлавон, кўркмас, ақлли, доно бўлишини ният килиб айтган аллалари билан она бо-ласига меҳрини беради. Боласи неча ёшга кирмасин, бундай ҳис-туйгу онани тарк этмайди.

Мен ҳам ёшм бир жойга бориб қолганда онажоним олдиаги қарзинни қайтармоқ учун нима килишим керак деб ўйланниб қолдим. Гапнинг рости, онамнинг ҳаётдан кўз юмганига 40 йилдан ошган бўлса-да, унуга олмадим, аксина жуда соғинидим. Раҳматлик онам вужудидаги бор меҳрини охиригана болаларiga бера олмади. Бешафқат ўлим онамни 40 ёшда бу дунёдан олиб кетди. Мен онамнинг катта фарзанди бўлиб, 12 ёшда эдим. Ҳувиллаб қолган ўйда олти ақа-сингил зор йиглаб бир-биримизга қараб қолганимиз ҳалигача кўз ўнгимда. Онамнинг қанча орзуниятлари бор эди. Ҳаётида бир кун ҳам хурсандчilik кўрмай кетди. Нега бундай бўлди? Раҳматлик онамнинг биринчи оиласи одамларнинг иғовси ва иккича жаҳон уруши сабабли бузилган.

Онам раҳматлик шаҳарлик муалимга турмушга чиқди. 1937 йили ўғли Хуршед ва 1940 йили кизи Моҳира дунёга келади. Бир ховида қайнона, қайнона ва асрарди Ҳалимаой исмли қайсинглиси бирга яшашган. Ҳалимаой жуда эрка ва олғир бўлган. Нимагадир онам билан чиқиша олмаган. Онамнинг эри уруш бошланганг фронтга кетган. 15-16 ёшли Ҳалимаой онамга янайам шиддатлироқ тазиқ ўтказа бошлаган. Ҳаттоқи, очиқасига, "Акам фронтдан келса, уни бошқа аёлга ўлантирамиз", - деб бисот йига бошлаган. Онам буни кўргач, вазият жиддийлигини англалан шекили, Заргарон маҳаласида яшайдиган Тухфаий аммасинига болаларни олиб кетишга мажбур бўлади. Нима учун аммасинига борди, отасинига эмас? Чунки, болаларни бокиши учун ишлани лозим эди. Онам шаҳардаги Даҳбед кўчасида жойлашган нон дўконига ишга киради. Унинг иш жойи Тухфаий аммасининг ховлисидан 1,5 чақирим масофада жойлашган бўлиб, Моҳира кизи ёш бўлганиги сабабли эмзисиг учун кунинг иккита марта қатнаган. Шундай килиб, Ҳалимаой янгасини ёш гўдаклар билан кўчага ҳайдаб, мақсадига етади. Лекин, у бу болаларни ўз отаси дастурхонидан нон-туз ёйишларидан бир умрга маҳрум кўлганини билариди? Ота меҳрига зор бўлганларини-чи? Йўк, у билмасди. Шу бора Яратганинг ўзи уни бир умрга фарзанд тиронига зор кўлгани кейинчалик маълум бўлди ва "нимани эксанг шуни ўрасан", деган гап тўғри эканлини ислобланди.

Воқеанинг давоми шундай бўлди. Онамнинг фронтга кетган эри бир йил ўтгач, таътил олиб Самарқандга келади. Ховида хотини, болалари ўйқилигини кўриб, ҳайратда қолади. Сабабини сўраганда Ҳалимаой: "Ака, урушдан эсон-омон қайтганингизга шукр қилинг, хотинингиз сизни фронтдан қайтиб келмайди, деб уйдан чиқиб кетди. Сизга бошқа хотин олиб берамиз. Тўйга тайёргарлик килиб кўйганимиз", - деб жавоб беради. Ота фарзандларини сурishi-

Самарқандлиг мухлисимиз Баҳром Истамкуловинг "Бегона вафо қўлса - қариндошдир" (2004-йил, 32-сон) мақоласини ўқигансиз. Баҳром аканин иккичи ҳаётий мақоласини эътиборингизга ҳавола қўлларканимиз, у сизни бефарқ қолдирмайди, деб ишонданиз. Мутолаа туфайли кўйилгизда туғилган фикр-мулоҳазаларингизни, ўз ҳаётий кечкашиларингизни, хуласоларини албатта бизга ёзиг юборасиз, деб кутуби қоламиз.

Таҳририят

УЛУГЛАЙДИ?

тириб топади. Онамга у билан яшаша хоши борлигини бир неча бор айтади. Лекин онам Ҳалимаой бор ҳовлига қайтиши хоҳламаслигини билдиради. Эри эса бошқа жойга чиқиб яшашни истамаганлигини тушунгач, ахрарли масаласини кўяди. Эри яна фронтга жўнаб кетади. Онам қайтиб эрини кўрмайди.

Штат қисқарганилиги сабабли онам нон дўконидан чиқиб, Самарқанд туманинги пилла тайёрлаш хўжалигига ишга киради. Қаноти синган, хонавайрон бўлган күшдек, болаларини олиб отасинига кучиб кетади. Раҳматлики бобом - мулло Бахридин боғбончилик килиб, ўртаҳол ҳаёт кечирган. Унча катта бўлмаган, тўрт хоналик ҳовлида 9 иши

кинчи маротаба уйлантиришга бош-кош бўлади. Онам ўтгай болаларга ўттайлигина сиздиримаган. Шу туфайли онам кишлока катта обраб-эътиборга эга бўлган. Онам отамни доимий ишга жалб этиш мақсадида Ҳишрав ариғи мираблигига ишга кириши маслаҳат берадилар. Кунинг бир маротаба, пешинда ариқа қанча микдор сув оқаётгани ҳақида 3 км. узоклидаги туман сув хўжалиги идорасига маълумот берилиши шарт эди. Маълумоти олиб онам пиёда бориб келади. Ўша пайти кийишга дуруст кўйлаги, пойғазали ҳам йўк эди. Эсимида, 8-9 ўшар эдим. Бир куни ўйда мен, укалирим ва онам қолгандик. Онам тим-тим кўз ўшларини бизлардан яширинча артади. Мен: "Она, нимага йиглайиз?" Нима бўлди? Касал бўлдингизми?" - деб сўради. "Йўк, болам ўзим шунчаки йигладим", - деб кўйдилар. "Сув маълумотини олиб бормайизими?" - дедим. "Нимани кийиб борай, болам, кўйлагим ииртиқ, қалишманинг орка атрофи узилиб кетди", - дедилар. Охири кўшини холадан кўйлаганини олиб кийиб, маълумотни элтиб бергани ёдимда. Ўша пайти юзатча қўйимиз, 5-6 сигиримиз, ҳаттоқи, отимиз ҳам бор эди. Ўй-рўзгорни таъминлаш учун, булардан фойдаланиши отам ихтиёрида эди. Отам эса жўрабоз чавандозлигига одамларнинг "Истамкул полвон" деганига учиб, парвои фалак юардади. Раҳматлики отам рўзгорда нон-тузинг борми-йўким, дейдиган инсон эмасди.

Бир куни дарвоза олдида ўйнаб турганимда ҳовлимиздан кий-чув ўшитилди. Ҳовлига кирсан, уйимизда онамнинг зор йиглаб, "Тавба қўлдим, бошқа тақрорлана майман, бўлди урманг мени, илтимос", - деган овози чиқди. Кўрқанимидан аста билдиримасдан, дахлизга кириб, уйга қардим. Отам онамнинг сочлари қалин ва ниҳоятда узун эди. Отам бақувват қўллари билан аймасдан худди эркак киши билан уришаттандай онамни урайятики, бечора онамнинг усти-боши ииртилиб кетган. Бу холат яриян соатларча, менимча, отам чарчагичча давом этди. Охирида отам ёби билан онамини катта кў билан тендики, онамнинг ёби ердан узилиб, деворга урилди. "Дод" деб кирмокчи бўлдим, отамдан кўришиб бурчакка писиб, унинг чиқиб кетишни кутдим. Отам онамга "полвон" лигини кўрсатиб, белидан катта, чўпонларга хос пичогини олиб, онамнинг қалишини тўрт бўлуб ташлашиб чиқиб кетди. Мен "дод" деб бориб, онамга ёпишдим. Онам менинг кўрмасин, бирон касалга учрамасин, деб "Хеч гап эмас, болам кўрмак, отангнинг жаҳли чиқсан, хозир утиб кетади, бор сув олиб кел", - деди. Сув олиб келдим. Озигина ўзи ичб, менга сув сепди. Ўшанда мен биринчи синфда ўқир эдим.

Кейин биласи, бу ваҳзийликнин сабаби, сотилган сунтинги пулидан онамдан сўрамасдан ўзича калиш сотиб олганлиги экан. Отамдан сўрамасдан ўзича калиш сотиб олганлиги экан. Сабор-тоқат килиб, қўшиларга билдиримай, хеч нарса бўлмагандай, гарчи соглигига путур етказган бўлса-да, оиласи саклаб қолган. Лекин ўшанда отамнинг бу рафтори, унга нисбатан менинг газабимни ўйтотганди.

1958 йилнинг апрел ойи ўрталарида Жомбайдаги Ҳалоли қилишги яқинида жойлашган Кончарвон, деб атапдиган 3 гектарли мевали бокқу кўчиб, бор ўртасида кичкина қоровулхонага жойлашдик.

(Давоми бор)

Баҳром ИСТАМКУЛОВ

ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ИЖОДИДАН



ЁРИМ ЭДИ ҚОШИ ҚАЛАМ

Дилгинамга тошлар отманг,
Ёмон ботар золим тошлар.
Қўйларимга сиёмайди ҳеч,
Бевафодан қолган ёшлар.

Алам-алам жоним алам,
Ёрим эди қоши қалам.
Унтулмай қўйналаман,
У бевафо унумта ҳам.

Бу дунёнинг ярми саҳро,
Ярми гуллаган бое экан.
Ёлончими севиб қолсанг,
Доим қалбингда дое экан.

Қалбимдаги додларимни
Сувда ювсан кетармикан?
Дилимдаги тошлар изи
Аста-секин кетармикан.

Алам-алам жоним алам,
Ёрим эди қоши қалам.
Унтулмай қўйналаман,
У бевафо унумта ҳам.

Турсунтош ЖАББОРОВА

БИЗГА ХАТ ЁЗИНГ, КУТАМИЗ...

Газетанинг ўтган йиллардаги тахламларини варакларканмиз, сизнинг бевосита иштирокингиз билан саҳифалар нақадар бой бўлганинг кўнгилдан кечирдик. Руқнларни бир эсласак: "Кунларнинг бирида", "Фақат сизга аталган сўзим", "Дил изҳори", "Ҳаёт ташвишлари ва кувончлари", "Хатлар, хатлар, хатлар", "Акс-садо", "Киссадан хисса", "2004 йил—Мехр-мурувват йили", "Яхшилардан сўз очик", "Тарбия соати", "Оила табассуми", "Туштаъбирномаси", "Оила ва жамият" ўтигиномаси", "Ажойиб-гаройиб", "Арзи хол", "Қимлиш-қидирмеш", "О, мұхаббат", "Хотира мұқаддас", "Оила", "Болалар саҳифаси". Кўрдингизмиз, кўлга қалам ва қоғоз олиб севимли газетангида ўй-ғирларининг ишларига ўтилди. Газетанинг имконият майдони қанчалар кенг...

Энди асосий гапга ўтсан, газета саҳифаларида 2004 йил охиригача энг кўп мақолалари зылон қилинган муаллифларимиз таҳририят хисобидан бир йилга, олти ойга, уч ойга бепул обуна қилинадилар. Албатта, мақолалар ҳайъати томонидан танланади, сараланади, нашрга ва мукофотга тавсия этилади. Бизга хат жўнатаркансиз, турар жойингиз индексини, манзилни, исм-фамилиянигизни аниқ кўрсатинг.

Сизга ижодий муввафқиятлар тилаймиз. "Оила ва жамият" ҳамиша дўстингиз бўлиб колсин!

Таҳририят

- Адвокатман. "Оила ва жамият" газетасининг бирор сонини қолдирмай ўқиб бораман, деди таҳририята кириб келган 40 ёшлардаги аёл.

- Мен бугун холис дардкашга мұхтожман. Күнглимагиларни ҳамкасбимга айтсаң, бир күн эмас, бир күн көнүн олдида жаов беришишта түрі келади. Танишим-еса мендан ыз түгриши табиий. Шу боис, мени холис инсон сифатида тинглашынзин истиман. 15 йилдан бүнү одаларга түрги көнүнің ішінде келаман. Энг мүшкүл дамларда мададкор бўламан. Аммо ўзимга келганда... Хуллас, кўнгил кўчасида адашдим. 40 ёшдағи эр-хотининг ахралаш ва молмулки бўлунишида иштирок этишишга түрги келди. Эркакнинг химоячиши эдим. Оиласда тўрт фарзанд вояга еттунча муаммочи чикмаган экан. Эркак пулдор бўлгач, ёмон хулқи аёлларнинг тузогига тушиб көлган. Уртадаги мол-мулк, ўй-жой, машина эса олти кишига бўлниши керак эди. Эркак оила маблагига келган (хотини ҳам "топармон" аёл экан) 4ta квартира, машинани кариандош-ургулари ва жазманинг номига расмийлаштириди. Она ва болаларга эса хотинининг отасидан мерос - битта квартира көлган. Ноинсоф эр 20 йиллик умр давомида йигилган давлатдан хотини ва болаларни маҳрум килиш, бу ишда "ютиб" чиқиш учун мени ёллаган эди.

Менинг ҳам биринчи турмушим бузилган бўлиб, эримнинг хиёнатидан кўп азобланганиман. У "боши тошга урилиб", қайтиб келганда эса кабул кўлмагандим. Мендан кейин эрим уч марта уйланди. Аммо баҳтини тополмай, сарсон-саргардон бўлиб, айни дамда онасининг уйда сўққабош яшеттанди. Иккى фарзандимни ўзим вояга етказдим. Ҳәётим тинч эди. Ноғаҳон... Ҳимояндаги эркакнинг сўз-моллиги, кўркамлиги ёқиб қолди. Беш йилдан бўн аламзадалик ўти ёндириб юрган кўнглимага гулгула тушди: "Мен нега бирорта эркакни "домим"га иллентиришмум мумкин эмас? Ҳеч ким менинг қалбим билан хисоблашгани йўқ-ку! Бу эркакнинг ҳам мол-мулки нега энди қалбимни кўлиши керак экан?" - деб эркакни астайдил ўзимга бўйсундириш харакатига тушдим. Ҳолбуки, мен уни жаҳон устида килаётган катта хатоликдан сақлаб қолишиш ва кирган "кўса-си"нинг охири жарлик эканлигини

Нихаят мен кутган автобус келди. Орқа эшиқдан чиқиб олиб хурсандилини билан бўш ўринга ўтиридим. Ишдан чарраб қайтаётганимни учун ўрин кўзимга жуда иссик кўриниб кетганди. Ўтириган жойим ўзимни эканлигига ишонч ҳосил қылгач, ойна орқали ҳол-йулакай кўринаётган манзарани то-маша қила бошладим. Ҳәлимни орқада ўтириган иккى аёлнинг сухбати тортиди. Гап-сўзларидан улар хоразмлики эди.

- Умримда биринчи бор болаларни эримга ишониб Хоразмга бориб келишимга түрги келди. Аммо, "қари қиз овга чиқди", - деганларидек, роса таъзиримни едим. Болаларим ёш. Ўғлим 4 да, кизим эса 5 ёшда. Эрим: "Боравер, ўзим ҳаммасини эплайман. Мехнат таътили-даман-ку", - деди. 10 кун уйда бўлмадим. Нихоят уйга кайтиб келдим. Эрим алла-қаерга кетиди. Иккى бола уйда ёлғиз ўтиришган экан. Хурсанд бўлиб кутиб олишиди. Бирок, уйга кириб хушиш бошимдан учуб кетди. Ҳам-

айтишим лозим эди.

- Адолатсизликдан ўзингиз ҳам зэйлган экансиз. Аёлнинг, болаларнинг охи сизни "курук" кўймаслигигидан кўркмадингизми?

- Менинг айбим ҳам шунда-да! Аввало конун олдида жаов беришишта түрги келади. Танишим-еса мендан ыз түгриши табиий. Шу боис, мени холис инсон сифатида тинглашынзин истиман. 15 йилдан бўн одаларга түрги көнүнің ішінде келаман. Энг мүшкүл дамларда мададкор бўламан. Аммо ўзимга келганда... Хуллас, кўнгил кўчасида адашдим. 40 ёшдағи эр-хотининг ахралаш ва молмулки бўлунишида иштирок этишишга түрги келди. Эркакнинг химоячиши эдим. Оиласда тўрт фарзанд вояга еттунча муаммочи чикмаган экан. Эркак пулдор бўлгач, ёмон хулқи аёлларнинг тузогига тушиб көлган. Уртадаги мол-мулк, ўй-жой, машина эса олти кишига бўлниши керак эди. Эркак оила маблагига келган (хотини ҳам "топармон" аёл экан) 4ta квартира, машинани кариандош-ургулари ва жазманинг номига расмийлаштириди. Она ва болаларга эса хотинининг отасидан мерос - битта квартира көлган. Ноинсоф эр 20 йиллик умр давомида йигилган давлатдан хотини ва болаларни маҳрум килиш, бу ишда "ютиб" чиқиш учун мени ёллаган эди.

Менинг айбим ҳам шунда-да! Аввало конун олдида жаов беришишта түрги келади. Танишим-еса мендан ыз түгриши табиий. Шу боис, мени холис инсон сифатида тинглашынзин истиман. 15 йилдан бўн одаларга түрги көнүнің ішінде келаман. Энг мүшкүл дамларда мададкор бўламан. Аммо ўзимга келганда... Хуллас, кўнгил кўчасида адашдим. 40 ёшдағи эр-хотининг ахралаш ва молмулки бўлунишида иштирок этишишга түрги келди. Эркакнинг химоячиши эдим. Оиласда тўрт фарзанд вояга еттунча муаммочи чикмаган экан. Эркак пулдор бўлгач, ёмон хулқи аёлларнинг тузогига тушиб көлган. Уртадаги мол-мулк, ўй-жой, машина эса олти кишига бўлниши керак эди. Эркак оила маблагига келган (хотини ҳам "топармон" аёл экан) 4ta квартира, машинани кариандош-ургулари ва жазманинг номига расмийлаштириди. Она ва болаларга эса хотинининг отасидан мерос - битта квартира көлган. Ноинсоф эр 20 йиллик умр давомида йигилган давлатдан хотини ва болаларни маҳрум килиш, бу ишда "ютиб" чиқиш учун мени ёллаган эди.

Хуллас, эркак билан маслаҳатлашув лаҳзапарини ўз уйимда ўтказдим. Уни руҳан зағлиғидан, вазиятдан фойдаланиб, "мехримни" аямадим. Үнга қандай қилиб

нинг ва болаларимнинг бу дунёда борлигини унун! Ҳамма нарса сеники кўзларингни эса фақат тупрок тўйдирса керак!" - дед судни тўхтади...

Мен муддоамга етдим. Ҳам мол-дунёлик, ҳам "эрлик" бўлдим. Фарзандларим бошида уни хушлашимади. Ўғлим ва кизим коллекшларда ўқишиади. Отаси билан кўришишларини таъқиқлаб кўйгандим. Аммо, бу "янги ота"нинг уларга бегоналиги, ортиклиги билиниб қолди. "Эрим" билан дастлабки олар яхши яшадик. Ҳейнчалик унинг инжиликлари болаларимнинг



ҳам, менинг ҳам меъдамизга тега бошлади. Үйдаги тартибимиз бузилганидан, бесаранжомликдан, унинг жўравозлиги, қариндошур угларининг серқатновлигидан ҳаловатимизни йўқотдик. Бир куни "эрим" ўртanchа ўғлини кўчада учратиб қолиб, (энди отали туйғуси уйлониб қолганига ўласизми?) ўғла олиб келиди. Болалада, иккى оғиз яхши гапирганига индамай отасига эргашибди. Бу ҳол бизга ёқмади. Гарчи ўзимни беларовед тутсамда, болаларим хўмрайб олишиди.

Бу орада ўғлим ёмон болаларга кўшилиб, бир болани калтаклашган... Беш йилга қамалиб кетди. Қўлимдид ҳеч нарса келмади. Бутун дунё мен

учун зулмат ичиди қолди. Мен гунохимнинг ўжасини тортаётган эдим... Шундан сўнг, ўйда бўлар-бўлмасга тез-тез жанжал чиқа бошлади. "Эрим" сабик хотинининг эрга текканини ўшитган кун уйга келиб, идишларни чил-чиллиси сабр косасни тошиб юборди. Уни ўйдан ҳайдаб чиқардим. Аслида унинг хали-ҳамон хотинини севишини дилдилдан хис қилиб юардид... У номимга ўтказган ўй ва машинасини талаб қиломади-хўжатлар қонуний равишида мени химоя қиларди. "Эрим"нинг хотини ва болаларига нисбатан кўллаган ҳийласи ўзига қайтаётган эди. Бир томондан - нонкўр эркакни жазолганимдан мамнун

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

бўлсан, бир томондан - тўрт болали аёлга жабр қилганимдан азобда эдим.

- Тўғрисини айтсан, сизга маслаҳат беринишнинг ҳожати йўқ, билим таъбирингиз ўзингизга етарли. Фақат бир таклифим бор, унга қандай ёндоши виждонингизга ҳавола. Одамлар ўз пулларига мактаблар, маскадлар куришашти, меҳрибонлик уйларини таъминлашапти. Агар ростдан ҳам ўша болаларнинг уволига қолмай дессангиз, "эрингиз"дан сизга ўттан мулкни асл эгаларига қайтаринг. Шундагина ўз болаларингизнинг ҳам иқбали кулади...

Аёл бир зум хәёл билан кўзимга тикилиб турди-да:

- Ҳак гапни айтдингиз. Мен, одамларнинг ўз ҳақарини ўзларига қайтаришни ҳам ўйлаб ўтирасам - ким бўлдим?! Ҳайр, сиз билан яна учарашармиз... Бу ҳақда ёзи ёки ёзмаслик сизнинг ихтиёргингизда. Анироғи, аёлларнинг "оила шартномаси", ўз ҳақхуқулари ҳақида ҳушёрроқ қарашларини эслатиб қўймокчиман, - дея кўлумни қаттиқ қисиб қўйди-да, хонадан чиқиб кетди...

...Бир ҳафтадан сўнг ташқаридан иккى аёл мени йўқлашаётганини айтишиди. Чикдим - ўша таниш чехра ва унинг ёнда ҳушрўйина жувон майин жилмайб турарди.

- Сўзимнинг устидан чиқдим. Мен ўзим ҳақдаги фикрингизга ўзгариш киришидем. Бу аёл - ўша эркакнинг собик хотини, - дея ёнидаги аёлни кўрсатди. - Мана бу машина ва уйнинг улар номига расмийлаштирилган ҳужжати... Опаҳон "болаларнингга отали киламан", - деган фарзандсиз, зиёли, кўркам бир инсонга турмушга чиқибдилар. Мени кечирдилар. Энди пардек ёнгилман. Зора, Ҳудойимнинг ўғлимга ҳам раҳми келса...

Иккى аёлни кузатиб келарканман, руҳимда бир масрурлик тўйдим. Ўзи берган дардга Ўзи шифо юбораркан... Сиз нима дейсиз, азиз мухлис?

Санобар ФАХРИДДИНОВА

Олой бозоридан картошка-пие юзинган оғир сум-каларимни кўтарганимни чиқиб бекатга қараб кетардим. Мендан олдинда эса иккита аёл ўзаро гаплашид кетишиади.

- Наимахон! Эрталаб бозорга тўрт коп сабзисин орқабек келган анави дечён аёлни боллаждигин-да, бўлмаса бозоримизнинг белига тегланг бўларди. Энди бу томонлар

ҚИНГИРЛИК

га қадам босмайдиган бўлди, - деди биттаси шарақлаб кулашкан.

- Ие, бу нима экан, булардан зўринин ҳам паттасини кўлига тутказиб юборганим, Мехриниса... - дэя кулгуга қўшилди. Рост-де, у келиб бугун сабзисини арзон гаровга сотиб кетади. Бизнинг савдомизни касод қилади. Боллаб жанжал кўтариб ўтгрига чиқардим. Содда экан-да ўзи ҳам, сум-касигига ҳамённимни тикиб кўйганимни ҳам билмади-я...

Иккиси кула-кула бекаттана келишиб. 91 автобусга тутказиб кетишиди. Мен эса уларнинг гапларини эсларканман, тиричилик дардиди бозорга не-не умидлар билан келган бечора дечён аёл ҳақида ўйлардим. ГУЛБАШАКАР

"ҚАРИ ҚИЗ ОВРА ЧИҚДИ"



жон, сизга чой дамлаб берайдай. Ҳардай-лими? Тухум ейсизми?" - дэя чуғурлашибди. Бир пайт бир чойнан чойни ўғлим кўллари қалтираганча, кўтариб келди. Қизим унинг кетидан қовурилган тухумни товаси билан кўтариб келди. Ҳариккаласининг кўлидаги қайнон нарсаларни кўриб кетдим. Ҳай-хайлаб ўрнимдан туриб, кўлларидан олиб стогла кўйдим. Аввал чойнан-пилаларга, сўнг ҳар куни ювилмасдан тухум қовурилавериб ичидаги кири қат-қат бўлиб кеттган товага қараб котиб қолдим. Болаларимдан: "Тухум қовуришни ким ўргатди", - десам: "Дадам ўргатдилар. Биз ҳар куни тухумни ўзимиз қовуриб еймиз", - дейишибди. "Товаги ювиб, сўнг пишириш кераклигини ўргатмадими дедим. Газни қандай ёқайпазизлар?", - деган саволимга: "Товаги ювиш керакмиди?", - деб сўради. Газни эса умуман ўчиришамалигини айтишибди. Эримдан

роса ҳафа бўлдим. Ҳамма ишин ўзим қилаверганим учун эрим бирор-бир ишга келиб қолиб. Барча ишларимни урмаганилигини, колаверса, умумин қарашмаганилигини эсладим. Тонгчага ўй йўғдим, қозон-товоқларни хлорли сууда ювиб олдим. Сичонк тушган қозонни эса ахлатга ташлаб юбордим. Барча ишларимни тутагатгунча эрим билан гаплашмадим. Ноилож биринчи марта ўзича менга ёрдамлашган бўлиб ахлатларни чиқариб ташлади, миқ этмай хўлинни суупуриб сув сепди, сўнг болаларни ювиириб ухлатди. Ишларимни тутагиб, дам олгандан сўнг эримга: "Бундан ташлаб юртга борар бўлсан болаларни ҳам олиб кетаман. Улар куйиб қолади ёки ифоси идишларда оқватиб заҳарланиб, касалланиб қолади деб ўйламадингизми?! Иккиси кула-кула бекаттана келишиб. Мен эса уларнинг гапларини эсларканман, тиричилик дардиди бозорга не-не умидлар билан келган бечора дечён аёл ҳақида ўйлардим. Лола АХМЕДОВА

"Бир кун отанг бўйай, бир кун онанд бўйай" - 26-сон.

ЭСЛАТМА: Тұрмуш ўртогум автомобалокамга учраб, фожасали ҳалок бўлди. Беш нафар фарзанды билан чирқирада қолдам. Отасининг ўлимига катта қисим Дилором сиро чидаи одмаяпти. Айраникин енгизишинг бирор чораси боришикан?

Муаллиф: Басира САЙДАЛИЕВА

Кизим Дилором! Гапларимга қулоқ сол. Сен ҳәтта эндигина кирип келаяпсан. Энди минг қайғурганинг, ачинганинг билан отанг қайтиб келмайди. Оллохга шукр килганик, ёнингда ака-опала-ринг, онанг бор. Ўқишини туғатиб, бир касбни эгалла. Халол меҳнат қил. Сўнгра билиб, сурьширип турмуш кур. Шунда отангнинг руҳи шод бўлиб, доимо кўллаб туради. Шу ўринда бир оиласи мисол келтироқчиликан.

Когон туманига якин ўбачули қишлоқ фуқаролар йигинига караши «Янгиработ» қишлоғида Анбар деган холам бўлиб, турмуш ўртоқларининг иккиси фарзандини ўстириб, вояга етказдилар. Қизлари Ханифа Ражабий ислим йигитга турмушга чиди. Ражабий меҳанизатор эди. Улардан ахал фарзандлар дунёга келди.

Ҳаётнинг шағатқизлигини қарангки, Ражабий почкам битта қизини турмушга чиқарди-ю, оғир касалликка ча-

линиб, ҳаётдан кўз юмди. Фарзандларининг 10 нафари ҳали ёш, кўлидан ҳеч бир иш келмайди. Шунда Анбар холам, поччам Гадойбобо, ўғиллари Амон тогам ёрдамга келиши. Ҳанифа холами ёnlariga ўтказиб насиҳат қилиши.

- Болам, сабр қиласанг, муродингга етасан. Энди сен болаларингга ҳам ота, ҳам она бўлиб, бошини сила. Бизлар сенга ёрдам берамиз. Отасининг руҳи уларни кўллайди, - дейиши.

Ҳанифа холагинам уларни жиҳи тарбиялади. Амон тогам жиҳини Тоҳирни бир дурадгорга шогирдликка бериб кўйди. Тоҳиржон тез орада дурадгорликни ипдан-игнасигача ўрганиб, мустақил эшик, дераза, шкаф, ғифонер ясай бошлади. Қишлоқда дурадгорга кўп қишинини иши түшиб туради. Тоҳиржон ёнига яна бир уласини олди. Ака-ука дурадгорлар бирлашиб, ишлаб, қишлоқ аҳлининг ҳурматига сазовор бўлдилар. Колган укалари техникага қизиқиб, ота қасбини, қизлар эса, ўқитувчиликни савдо ходими ва тикувчиликни эгалладилар. Улар ўзаро ахиллик билан иш



Ҳа, қизим Дилоромхон! Ҳаёт у кадар беашфакт эмас. Ғақат сабри бўлиш зарур. Лекин ҳар бир инсон дунёга келар экан, ўзидан бир ном қолдириб кетиши керак. Мана, отангиз дунёга 5 фарзанд қолдириб кетибди. Сизлар ака-сингиллар бирлашиб, онажонингизнинг ҳар бир сузини гавҳар билиб, унинг айтганидан чикмандиган. Үксик қалбига озор берманлар. Чунки, она - дунёдаги энг муқаддас зот. Сизларнинг сунячиликнингиз онангиз. Дунёда унданда меҳрибон киши топилмайди. Ҳозир онангда жуда қийин. Энди сабр килиб унга сунячик, мадад бўл, болам!

Файбула АБДУЛЛАЕВ,
Бухоро вилояти

Биласизми, шу мақоланинг келажаги ва ёркани истиқболида кўради. Ўйлайманки, сизни ҳам дадангиз ва опангиз яхши орзу-умидлар билан биргаликда вояга етказишган. Афсуски, бевакът ўлим уни олиб кетиби.

Синглим Дилором! Машойихлар дейишидик: «Ота-онаси ўлган одамни эмас, одоб-аҳлоқи бўлмаган одамни етимде». Агар сиз ўкишини туғатиб, жамиятга, одамларга нафингиз тегса, онажонингизнинг кўлтиғига кириб, уларнинг оғирини енгил қилсангиз, билингни, отангизнинг руҳини шод этган бўласиз.

Дилоромжон, сизнинг қилаётган ишингиз яхшими? Агар сиз бу айрилиқ азобини ўйда ётиб, уззу-кун йиглаш билан ўтказсангиз, қилаёттан ишингизнинг оҳири нима бўлади? Нахотки, энди сизларга ҳам ота, ҳам она бўлиб колган онаизорингизга раҳмингиз келмаси? Сиз касал бўлиб қолсангиз ё ўқишини ташлаб кетсангиз - мархум отангизнинг руҳи чирқирамайдими?

Ҳар бир дарахтнинг меваси бор, кўнгилнинг меваси эса бу шак-шубҳасиз фарзандири. Ҳар бир ота-она ўз орзу-умидларини фарзандла-

рининг келажаги ва ёркани истиқболида кўради. Ўйлайманки, сизни ҳам дадангиз ва опангиз яхши орзу-умидлар билан биргаликда вояга етказишган. Афсуски, бевакът ўлим уни олиб кетиби.

Синглим Дилором! Машойихлар дейишидик: «Ота-онаси ўлган одамни эмас, одоб-аҳлоқи бўлмаган одамни етимде». Агар сиз ўкишини туғатиб, жамиятга, одамларга нафингиз тегса, онажонингизнинг кўлтиғига кириб, уларнинг оғирини енгил қилсангиз, билингни, отангизнинг руҳини шод этган бўласиз.

Дилором! Сиз ўзингиздан кейинги сингилла-рингизга ибрат бўлиб, раҳматли дадажонингиздан ибрат олиб, уларнинг эзгу ишларини давом этитиринг. Ана шунда сиз ўз фарзандлик бурчингизни адо этган бўласиз. Дадангизнинг руҳи олдидаги юзингиз ёруғ бўлади. Аллоҳдан Сизга сабр-бардош тилаб қоламан.

Хосият ТОҲИРОВА,
Оққўргон тумани.

Бу юракларни ўртовчи дарди нола, ҳар қандай одамни ўйга толдиради. Ҳар мисрасидан қалбларга эркин оқувчи бокира туйгуларининг оддий равон тилдаги баёни, юрагаталмиш аъзонинг кўз илғаси чуқуруларигача бориб етади. «Эр бермоқ - жон бермоқdir», дейишилар аёллар тилида. Тўғри, Жавоҳир Шаҳлонинг қонуний эри эмас, аммо юрагини буткул эгаллаб олган калб орзуси-ку.

Жавоҳир укажоним! Йигит ки-

ҚАДИНГНИ ТУТ, ҚИЗГИНА

«Осмонларга учган орзуларим» - 30-сон

ЭСЛАТМА: Жавоҳир ислим ўнгаш билан танишиб, у билан севишиб қолдик. У билан ўқишидан кейин соатлаб гаплашар, орзулар қилярик. Аммо... Жавоҳир ака ота-онасининг амри билан қариндоши — дугонам Камолага уйланни. Қизини ҳам «Шаҳло» деб атади.

ШАҲЛО,
Тошкент шаҳри

икки ойга бориб-бормай бузилиб кетаётган оилалар камми? Биз келин бўйлишининг етти авлодини суриштириб, эзлак-эзлак қилсангу, йигит билан қизнинг калблари жиз этмаса, ихтиёрий иликлик пайдо бўлмаса, харакатлар зое кетмайдими?

Ҳаётни таҳрибаларимиз, кўрган-кечирганиларимизга таяниб фикр юритамиз. Ёшларнинг кўнглига қулоқ тутиш, руҳий ҳолатини англаш, келажак ҳакидаги тасаввурлари билан қизикин, кўпичка эътиборимиздан чефда қолади.

Кон-қариндошлик ришталари узилиб кетмасин, дея биронта уругимизга боғлаб кетишига уринамиз.

Фарзандларимизни келажакда тинч-тотув, баҳти ҳаёт кечиршлиари учун кўнгил майларига ҳам озрок ўрин берсак, ҳар ким севгани билан кўнгил боғласа нур устига аъло нур бўларди.

Хикмат МАҲСУМОВ

ОИЛАНГИЗГА МЕХР БЕРИНГ

«Мехрингизга муҳтожиз» - 35-сон

ЭСЛАТМА: 17 ўшга кирган бўлсам-да, ота-онасининг бир-бiri билан яхши гаплашганини кўрмади. Улар фақат жанжаллашишади. Биз опам билан ота-она меҳрига, яхши сўзига муҳтож бўлиб ўсадик.

РАҲБАР

Оиласда ота-онасининг бир-бiri билан ўйларига махалла-рингизни кўрмади, ўзаро жанжаллашишади. Ҳар кандай таҳтинини ҳам бахтсиз қилиб кўяди. Менинг бир синдошим бор эди. Уларнинг ўйи маҳалламиздаги баланд ва ҳашаматли уйлардан бўлиб, кўччиликнинг ҳаваси келарди.

Бу хонадондагилар яхши шар, дабдабали ресторанларда туйғалиган кунларни ўтказишарди. Аммо, мен билан ўйқидиган ўғли Беҳзод жуда маъюс юарди. Ҳар куни мактабдан келётсак, уйидан бакир-чақир овозини ўшитардик. Бир куни унда қолиб кетган китобими олгани бордим. Дарвозадан кираётib, айвондаги воеани кўриб кўрканимдан қотиб қолдик. Беҳзоднинг отаси ота-онасининг сочларидан бураб уради. Бечора аёлнинг эса овози чиқмасди. Беҳзод доддаб отасининг кўлидан ушламоқчи бўларди.

Қандай килиб орзагма қараб ючиб чиқдим, билмайман. Эртасига Беҳзод мактабга келмади. Ўқитувчиликни билан ўнинг ўйига бордик. Аммо, у йида йўқ эди. Кечкурун ўшигимиз тақиллади, чиқсан кути кўтариб олган Беҳзод турди. Кутининг ичидаги иккита тувакчада гул ва битта мушукча турарди. У ожиз миёв-лаб, кутини тирнаб чиқмоқчи бўларди.

- Шу нарсаларимиз сизларни турдим. Ота-онасини кечак кўрдиган-ку! Дадам ҳамма гулларимни синдириб ташлади. Буларни зўрга беркитдим, - деди. - Уларни бир хафтадан кейин олиб кетаман. Ҳеч кимга айтма, уйдан ючиб кетаман, барибир. Биласанми, негадир улар уришсалар мен йиглайвераман. Ота-онасининг яхши, ахил бўлишини истайман. Ҳеч нарса олиб беришмаса ҳам, тинч яшасак майли эди. Менинг сизларга ҳавасим келади, деб хайрлашиб кетди.

Лекин у бир хафтадан кейин ҳам, умуман келмади. Уйидан қишлоқдаги бүсисини кида шод, баҳтиёр яшашади. Сиз ҳам ота-онасинингизни тутув бўлишини истайсиз. Ҳали вақти келиб отангиз сизлариз, меҳрингизсиз яшаш мушкуллигини тушунмадингиз?! Ҳали ҳам кеч эмас уларга, хотинингизга бўлган муносабатингиши ўзгартирин!

ҲАМИДА

ДАБРИКЛАЙМЕ

Фарзандим
Хулифар
Курбонова!Сени 24 ёшиңг билан күтлаймиз. Бах-
тимизга доимо соғ-омон бўл.Даҳанг Ашур, сийл Турсулоҳ, сийлган Зер-
нигор, жиинларинг Нигора ва Шахзодлар.
Самарқанд вилояти,
Галаботир қишлоғи.Дўстим Баҳром
Эгамбердиев!
Туғилган кунингиз
муборак бўлсин. Сизга
узоқ умр, соғлик ти-
лайман. Ҳаётингиз
гузал ва сермазмун
бўлсин, деб дўстингиз
Умарова Гулшода, Тўйтепа шахри.Устозимиз Пўлатжон
Худойбергенов!
Туғилган кунингиз кўт-
луг бўлсин. Соғалини сақ-
лаш бўлсағи машак-
қатни ицингизда омад
ёр бўлсин.Шошичин тиббий
ёраам маркази ходимлари номидан
Гулойим, Роҳатой.
Қорақалпоғистон Республикаси,
Тўрткўл шумани.Синглимиз Муборак Юлдашева!
40 ёшига тўлишингиз муносабати
билин кўтлайман. Шўху шодон кул-
гулағинг билан давраларни тўлдириб
юргин.Яқинларинг номидан Тозагул,
Муҳаббат.
Қорақалпоғистон Республикаси
Тўрткўл шумани.

ХОМ ГЎШТ ХОСИЯТСИЗ ЭКАН

Кўшнимнинг ой-куни яқинла-
шиб қолган кунларда уни хо-
муш кайфиятда учратиб қолдим.“Фалати туш кўрибман, шундан юрагим
фаш”, - деди.Орадан иккى кун ўтиб кўзи ёриди. Ҳасан-
Ҳусан дунёга келди. Чакалоқлар соғлом,
ҳар бири 3,500 кг. оғирлиқда туғилди. Ка-
риндош-уруглар кўшнимнинг эгизак ме-
хмонлар билан кутлашди. Шу орада беш кун
ўтди, тушликдан сўнг, кўзим илинибди.
Тушимдагиз эгизак тукан кўшнимнинг эри
бир лаган гўшт кўтариб юрган эмиш, шун-
дан иккى бўлғи пишган эмиш. Кўрган ту-
шимдан юрагим фаш бўлиб қолди. Шу пайт
қизалогим кўчадан кириб келди-да: “Ҳади-
чаопам (исми ўзгаририлган)
оламдан ўтиб қолиби”, -
деди-ю, ийғлаб юборди. Мен
кизимни койидим: “Ундан дема, нотў-
ғири эшигтандирсан”, - дедим.Бирордан сўнг кўшнимнинг ҳовлисидан
йиги овози эшигтиб қолди, юрагим бе-
саранжом бўлиб, кўшнимнинг уйига кир-
дим-у, кўрган тушимиш эсладим. Ҳасан-
Ҳусанларига соғ-омон экан-у, онаси олам-
дан ўтиб қолиби.Демак, тушлик хом гўшт бехосият
екан-да. Икки бўлак пишган гўшт иккى
эгизак фарзандлари экан. Улар соғ-
омон яшамокда.

Чўлпоной МЕЛИКУЗИЕВА



МЕХР - ИЛОХИЙ ТУЙФУ

Бу воқеани такси ҳайдовчисидан эшиг-
гандим.Ёшлигимда дадам эндигина оёқка тур-
ган бир кучук боласини олиб келди, -
дэя ҳикоясини бошлаганди у. Кучукча
онасини кўмасб бир неча кун ғингшиб
юрди. Ўша пайтлар бир кўйимиз кўзила-
ганди. Кучукча ҳам унинг ёнга бориб
кўзичоқлар билан ўйнар, улар сог-
ишилб эмади. Кўй ҳам хурким индамай
турарди. Шундай қилиб у катта бўла бош-
лади. Она кўйнинг ҳам унга меҳри ту-
шиб қолди шекилли, ўз боласидай яхши
кўради. Шундай қилиб кўзичоқлар ва
кучукча бирга катта бўла бошлашид. Кү-
чук ўзи билан бирга ўтсан гўшт кўзичоқларга
шундай меҳр кўйдик, ҳаммамиз ҳайрон
қолардик.Бир кун ҳудойи қиласидан бўлдик.
Ўша кунга она кўйни сўйишни мўлжал-
лаб кўйишиди. Кўйни алоҳида жойга бօ-
лаб бўка бошладик. Кучук эса бир нар-
сани сезгандек кўйининг атрофидан ке-
толмай қолди. Ҳудойи қиласидан куни-
миз ҳам етиб келди. Узоқ яқиндаги
кариндош-уругларга, кўни-кўшниларга
хабар тарқатилди. Қассоб пичоқлариничархлаётганини
кўриб ҳалиги кучук
унга ташланиб қол-
ди. Кучукни зўрга
хайдаб юбордик. У
кўчага югурб чиқиб
кетди. Гўшт сотиб
тўтирган қассоблар-

ФАРОЙИБ

нинг олдига бориб бир бўлак гўштни
шартта тишлаб уйга судраб олиб келиб,
отамнинг олдига ташлади. Ҳудди, “Сиз-
ларга гўшт керак бўйса, мана гўшт, фа-
қат кўйни сўйманглар”, демоқчи
бўлгандек эди гўё. Шундан сўнг бу
кўйни эмас бошқасини сўйишиди. Ҳей-
инчалик дадам она кўйни бозорга олиб
бориб сотиб юбордилар. Кучук эса анча
пайтгача ҳудди онасини йўқотиб
кўйган боладек ўзини кўярга жой то-
полмай юрди. Кўй ҳам шундай ахволга
тушган бўлса керак.Мана кўрдингизми, ҳайвонлар ҳам она
ва бола меҳрини ҳис қилишаркан. Де-
мак, меҳ деб атальмис илоҳий туйғу на-
фақат инсонларни, ҳатто жонзорларни
ҳам бир-бирларига яқинлаширилар экан.

Дилафуз КАРИМОВА

КЎЙ (21.03 — 20.04). - Кутимла-
ган ёқимли ҳабарлар эшигасиз. Яқин-
ларингиз билан катта иш бошлаш им-
кониятига эга бўласиз.СИГР (21.04 — 21.05). - Иш ма-
саласида бир қарорга келишингиз
керак. Омадли кун пайшанба.ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).
- Оиласлангиз ва яқинларингизга замоҳ-
роқ бўлишингизни маслаҳат берамиз.
Улардан олислабкетмаганингиз маъқул.КИСКИЧБАКА (22.06 — 22.07).
- Ўзингиз қизиқдан машғулот билан
шугулланинг. Асабиylashiш соғлиғи-
нингизга пурпур етказишни унчтуманг.

МУНАЖЖИМЛАР

АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Севган
инсоннингиз билан учрасасиз. Олдинда
эса баҳтили дамлар кутмоқда.БОШОК (24.08 — 23.09). - Арзима-
ган нарсаларга ваҳима қўимланг,
ҳамма муаммоларингиз яхшилик би-
лан ҳал бўлади. Кўлингизга пул тушади.ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Сизга
бегона бўлган одамлар орасида ҳаёт
бошлайсиз. Ва бу сизга катта му-
ваффакиятлар келтиради.ЧАЕН (24.10 — 22.11). - Одамлар
билин мулокотда айтадиган ҳар бир
сўзингизга этиёт бўлинг. Акс ҳолда панд
еисиз.

БАШОРАТИ

ҮҚОТАР (23.11 — 21.12). - Шах-
сий ҳаётингиздаги муаммолар тезда
ҳал бўлади. Ишда эса яхши ҳамкорлар би-
лан танишасиз.ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). -
Шу ҳафтада ишларингиз ниҳоятда
кўпайиб кетади. Бундан кувонинг, мўмай
даромадга эга бўлишингиз кутимлоқда.КОВФА (21.01 — 18.02). - Тиним-
сиз меҳнатингиз тақдирланади. Шу
ҳафтада мухташам ҳовлига кўчиб ўти-
шингиз эҳтимоли бор.БАЛИҚ (19.02 — 20.03). - Ҳафта да-
вомида кайфиятингиз яхши бўлиши
учун бажараётган ишларингиздан за-
вклинишни ўрганинг.

Оила ва жамият

ЭЪЛОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар “Оила зйннати” Марка-
зи қизларни ва келинчакларни оиласий ҳаётга тайёрлаш масадидга
куйдаги қасблар бўйича ўқув курсларини ташкил этиди. Марказда
кам таъминланган оила фарзандлари бенул ўқитилади.

Ўқув муддати 2 ойлик курслар

• Бичиши-тишиш - “Элита” усулида пардалар,
чойшаблар ҳам тикиш • Бисерлардан фойда-
ланни тикиш • Бошлангич компьютер билим-
лари (Windows 2000) • Олий даражада торт ва
салатлар тайёрлаш • Сартарошлиқ • Космето-
логия • Маникюр-Бухгалтерия-касс аппарати
назоратчи • Кандолатчи-КондиторЎқув муддати 4 ойлик курслар
• Миллий кўрпа-кўрпачалар
тишиш • Юнон-ийлоннодар, бешик кўрпачалари ва
ёстиқаларни тикиш
Ўқув муддати 4 ойлик курслар
• Массаж ва ўйчамишлар • Биниш-тишиш (бош-
ловчилар учун) • Машинада гултиши (вишвиш).

Телефон: 45-18-42, 29-28-58.

Професор Эргаш САЛИМОВ клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин,
ошқозон-ичак хасталикларни, касалманд, нимикон болаларни маҳсус усул-
ларда даволайди. Бронхиал астма хасталигинида гормоналдорилар кўллан-
майди. Аллергик касалларни аниқлаб, даволашда турли аллергенинги
кўйиб синадилди. Иш вақти соат 8 дон 17 гача.МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Ўзғур Ҳўкакев чўчаси, 4-йўл, 10-хона. Авто-
буслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шахар клиникаси бекати.
Тел: 49-43-33, 144-64-30.УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ФОЗИЕВИЧ
ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН ковуғи бўш ЎГИЛ ва КИЗ
балалари БАТАМОМ ДАВОЛАДИ.

Буйрак, ковук, простата бези касалларнини ДАВОЛАДИ.

Манзил: Марказ-15, 12-йўл (Жантгоҳ маҳалла)

Мўлжал: Метронинг F. Ғулом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача

Чорсадов 123, 100 автобус. Марш. такси. 2, 4, 7, 77, 101. Себзор бекати.

“UMID va ISHONCH” Тиббиёт маркази кўйдаги мутахассис-
ларлар бўйича хизмат кўрсатадилар:Жарроҳ, жарроҳ-косметолог, уролог, дерматолог, гинеколог, терапевт, кар-
диолог, невропатолог, ЛОР, педиатр, уқаловчи, ҳамда УТ диагностика, ЭКГ
(компьютер ўқиши), биохимик анализларни, физиотерапия ва гидромассаж ванна
ва бошқалар. Шу билан бирга бизнинг марказда бўлажак келин-кўёвлар учун
10% чегирмали консультация ва диагностика усуллари олиб борилади.БИЗ СИЗИНГ ЧИРОЙИНГИЗ ВА СОГЛИФИНГИЗ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ!
Манзил: Тошкент шаҳри, Бешёғоч мависи. Тел: 45-07-42, 45-07-72

ДИҚКАТ ТАНОЛОН!

БОЛАЛАР ҲАЛҚАРО
БОЛАЛАР жам-
ғармаси (ЮНИСЕФ) ва Ўзбекистон Республика-
си Болалар жамғармаси “Саломатлик ва баҳт
оғушида” мавзууда ҳикоялар, шеърлар, фотосуратлар учун энг яхши асарлар танловини эълон
килади.Танлов шиори: “Соғлом оила, соғлом мухит ва соғ-
лом авлод!”Танловнинг илк саралаш тури 2004 йилнинг 10
декабригача ўқазилади. Танловда ёш ҳаваскор
қаламкашлардан тортиб, тажрибали ёзувчилар шу-
нингдек, ҳаваскор ва тажрибали фото сураткашлар
ҳам қатнашшилари мумкин. Тайёр кўлёзмалар иккى нусхада-ўзбек ва рус
тилларида тақдим этилиши керак.Танловнинг якунловчи турида нуфузли, ҳалқаро миқёсдаги ҳакамлар
хайъати томонидан энг яхши деб топилган асарлар учта китоб ҳолиди чоп
етиш учун танлаб олиниади ва голибларга рағбатлантирувчи совғалар топ-
ширилади.Танловда энг яхши деб топилган асарлар, салмоқли аёд билан 2005 йил Ҳал-
қаро болалар кунига бағишиланинг чоркатидан тарқатилади.Танлов шаҳри, Олмачи чўчаси, 32 -
йўл. Ўзбекистон Республикаси
Болалар жамғармаси.

СИЗЛАРГА ИХОДИЙ ЗАФАРЛАР ВА МУВАФАҚИYАТЛАР ТИЛАЙМИЗ!

Якка тартибдаги тадбиркор Газиев номига берилган № 1019739
- 44946422 - ракамли гувоҳнома йўқолганинига сабабли БЕКОР
килиниади.Республика об-ҳавони аниқлаш марказининг маълумо-
тига қараганда юртимизда ҳаво ўзарги, бироз
булутли бўлса-да ёғингарчилар кўлмайди.
Харорат кечаси 18°-23°, кундузи эса 33°-38°
гача кўтарилиши кутилмоқда.

Бир куни "Тошкент оқшоми" таҳририятига бордим. Излаган одамни учрата олмасдан, таҳририят йўлагининг ўнг томонидаги хонага тавакқол килиб кирдим. Хона шинамгина, мўъказигина экан. Бир киши дикқат билан қозони қоралётганди. Сўрашдик. У киши очик чехра билан кутиб олди. Танишув юят марокли ўтди.



Тўлқин аканинг ишхонасидан енгил бўлиб чиқдим. Хар гал унга кўнгироқ килганимда: "Азизим, сиз кўпроқ, ёзинг, ха ёзверини", - дея маслаҳатлар берганди. Кунлар, ойлар, йиллар ҳам ўтди. Кутимаганди Тўлқин ака хасталаниб, "Оқшом"да меҳнат килмай қўйди. Янги ТошМИ шифохонасида даволанаётган экан, хабар олгани борганимда: "Азизим, сиз келдингиз — кайфиятим, руҳим анча кўтарили. Хозиринга ўтирижон (ёзувчи ўтирижон Шошимов) келиб кетганди. Шундай кишилар юракка дадла беради, демак дард ҳам чекинади", - дея анча бардам сўзлади. Сўнг Тўлқин ака қадронд "Тошкент оқшоми" газетасидан нафақага чиқди. Нафақага чиқса ҳамки, уйда тинч ўтира олмади. Иход билан банд бўлди. Бир учрашганимизда "Аждодлар нидоси" номли китоб ёзётгани (эл-

шунос олим Билол Аминов билан ҳаммуаллифликда) ҳақида гапириб қолди. Тўлқин ака ўндан тетик, бардам, соғу саломат эди. Шу боис мен ҳам кўнглим хотиржам ювердим. Бирор Тўлқин ака Расулов 1996 йил 26 апрелда хасталиқдан сўнг ҳаётдан кўз юмди. У ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист эди. "Тошкент оқшоми" газетасида қариб 23 йил ишлади.

У ёзган мақолаларининг асосини муаллифнинг ўзи кўнглам-кечирган воқеаларав ташкил этарди. У ўзининг журналистика фаолиятини ёзувчилик билан биргалиқда олиб борган. "Одамтош", "Кизил лолалар", "Бахтизимни куйлаймиз", "Гулдаста", "Нон ушок" сингари хикоялари, бадиалари ва бошقا тўпламлари китобхонлар қалбida мухрланиб қолган.

Унинг қалами "Оқшом"да чархланди, истеъоддининг янги-янги кирралари очилди. Айниқса, миллый қадриятларимиз, урф-одатларимиз, инсоний фазилатлар мавзусида қалам тебратди. У истеъоддли қалам соҳиби бўлиш билан бирга талабан устоз, садоқатли дўст, ажойиб инсон эди.

Хотира-муқаддасdir. Умр йўлдоши Муҳаббатхон опа Тўлқин аканинг чироғини ёқиб, яшайди. Ҳа, фарзандларининг, невараларининг баҳтига Муҳаббатхон опанинг умрлари узоқ бўлишини Аллоҳдан тилаймиз.

Мирзамир Мирза Шарипов

УСТОЗ ЭДИ...

а.

Кўйламда туғилганлари учунни, раҳматлиқ онажоним Насиба ая баҳордай беғубор инсон эдилар. Ҳаёт бўлгандарида шу йил 71 ёшга тўлпайдилар. Бешафқат ўлим 65 ёшларида бағримиздан бевакт юлиб кетди. Онажоним сода, меҳнаткаш, атрофдагиларга мөхрибон аёл эдилар. Олти фарзандни оқ юваб, оқ тарадилар, хунарли, касб-корли килдилар. Ҳали-хануз кўни-кўшилар ҳам меҳр ва кўзда ёш ила онажонимни ёдга оладилар: "Онанини коз-кўзлари доимо кулиб турарди. Бирор марта асабийлашиб, уришиб юрганини кўрмаганимиз. Жан-

нати аёл эди. Балки шунинг учун рўзайи размазон кунлари вафот этди. Илойим, бизга ҳам шу кунлардан насиб килсан!... Онажоним: "Болаларим, кечиримли бўлинглар. Ўзларингдан факат яхши ном қолдиринглар. Ҳамиши бирорларинг билан аҳил бўлинглар. Товушнинг кўчага чиқмасин", - дея насиҳат қилардилар. Волидамнинг ана шу сўзлари доим кулогум остида жаранглайди. Онажоним! Мунисгинам! Кўлларимиз дуода: "Жойингиз жаннатда бўлсан!"

Шахноза Жўраева.

МУНИСГИНАМ!

а.

Мен ака-укали баҳтиёрларданман. Лекин онамнинг вафотидан сўнг шу баҳтим кемтик бўлиб қолди. Волидам сўнгги кунларида акаларимни йиғиб: "Мана, сингилларинг 30 га кириди. Лекин мен унум йўргакдаги чакалоқдек. Ана шу гўдакни сизларга топшириб кетаямсан", - деди. Мен бу сўзларини шунчаки, ҳаттоқи кулиб

ўлиб, болаларимни суюб, янгаларим қанчалар менга парвона бўлишасин, мени ўзлари мөхмон қилишга шошиларди. Қувонганидан ўтказгани жой топмай қоларди.

Якинда яна фарзандли бўлдим. Онамсиз... Ох, менинг оёққа туришимга беҳад чеккан заҳматлари бир-бир кўз олдидан ўтиб, ийлаганимни кўрсангиз эди. Менга нафакат она, балки сингилдек ва опадек ҳам эди. (Мен ёлғиз кизмазан). Каклик-дек болаларимни олдимга солиб,

онамга кўз-кўзлай десам, азиз ўйлари оstonаси бўм-бўш. Дунёда энг якин сирдошим-онагинамнинг излари ҳам йўқ бу дунёда... Эссис онам... Онаги нам...

Бугун ўйлаб карасам, онамга тириклигига айтмаган дил розларим кўп экан.

Онажон! Хизматингизни килолмадим. Кўнглингизни кўтариолмадим. Ҳаётингизни сўнгги олнарида: "Сенинг дийдорингга тўймадим", дедингиз... Мен тўйдимми мўътабарим, дийдорингизга?! Ох, онагинам, кўзлари кеч очилган, сиздек онага нолойик фарзандингизни кечиринг!!! Акс холда кўзидаги шаршара бу дунёда куримайди, куйиб кетган багрим совимайди.

Энди бу умр-умрим? Кўраётган шодиёна кунларим аввалгилик бутунми? Йўқ, кўнгил кемтик, сизсиз ўтаётган хонадонимиз маърқалари гарби, сизбиз барси шодлик кунларимиз этим, кўнгил тўлмас кунлар - бу кунлар. Оғрикли хотираларингиз тинчлик бермайди. Онагинам! Шу май ойида 69 ёшга тўлар эдингиз. Сиз ҳақда ўйладим-у, ушбу сатрлар юрагидан кўйила бошлиди:



Болал дединг, рўзгорим дединг,
Доним бўлдинг пойи остана.
Энди тўрлар чорлаётганди,
Онам сенга тўлмиши паймона.

Кўш бешиклаб фарзандлар бўқдинг,
Алла айтдинг гуллар тебранди.
Кўш уйқула тунни кузатдинг,
Қаронгингда тоза тонг отди.

Саккис бўстон яратиб кетдинг,
Мехнатларин елга кетмади.
Бутун ўқлини тўй қилаётir,
Бу хушхабар сенга етмади.

Тушларинг киарсан гохи,
Баъзан иштод, баъзиди хандон.
Тирикликда ўйлаган каби,
Болал, дейсан, болал, онажон!

Охлар чекма, бўлма безовта,
Ахир ҳаёт бироз тўпалон.
Сенинг болалиг доним яхшидир,
Бариси тинч, бариси омон.

Ёлғиз кизинг хотирлаб сени,
Йўқлаб қўйди дилдан. Онажон!
Жойинг жаннат, ўзинг раҳматда,
Бўлсин, дейди қабринг нурга кон!

Ҳа азизлар, бугун-бугун, эрта ҳеч қачон бугун бўлолмайди. Йўл қарагич бўлиб қолган ота-она дийдорига бугун шошилинг, эртага кеч бўлади. Оналик баҳтиёрлар, оталик баҳтиёрлар сафарингиз бехатар бўлсин, ота-онангиз дуолари ижобат бўлсин.

Малоҳат Рафиқова,
Ургут тумани,
Ғўсс кишиломи

Зуҳра Баирова,
Куий Чирчик тумани,
Дўстобод шахри.

МЕНИНГ СИЗГА АЙТАР СЎЗИМ КЎП...

қабул қилдим. Чунки, ҳали менинг бағрим бутун эди. Афуски... тез орада онам бизни ташлаб кетди. Ох, ўша рутубатли, азобли кунлар... Гўё осмондан ерга ташлаш юборишгандек бўлишиди. Тоғдек суюнч акаларим ҳам менинг кўнгламга онамдек кира олишимади. Тунларим бедор... Онажонимнинг хотиралари тинчлик бермасди. Ўзимга-ўзим савол берардиди: "Онажоним мендан бутун ҳаётини, меҳнатини аямасди. Менчи, мен?! Мехрибонимнинг хизматларини, ишончларини оқай олдими? -Ҳеч бўлмас чексиз соғинчларига малҳам бўлолдимми?" Онам менинг кунда кўргилари келар, менинг эса кўлларим боғлик, этагимдан тутган-болаларим, йўлларимни боғлаган рўзгор ташвишларим... Энди ўйлайман. Ахир мен қишлоқдан чиқиб кетганим йўқ эди-ку, атиғ иккى маҳалла нарида яшаган мен - нодонгина киз шунчалар гафлатда коламаними? Онагинам полвонсифат аёл эди. Дард ҳам у кишини тезда енголмади. Карайиб бир йил ётиб-турни юрди. Мен боргандан тетикилашиб, кўлларимдан

МЕХР-МУРУВВАТАЛИ АЁЛ

"Деҳқонобод" ширкат ҳўжалиги Бувисулув онани алоҳиди меҳр билан тилга олиб эслашади. Бувисулув Ибрагимова 14 ёшида турмушга чиқиб, умр йўлдоши билан бор-йўғи 7 йилги турмуш курғанларида Иккичи жаҳон уруши уларнинг баҳтиллаётига нукта қўйди. Ўшанда катта ўғли Усмон 6 ёш, Турди 4 ёшда эди. Кизлишада очарчилик авж олган маҳал Бувисулув онанинг 15-20 та соғин сигири, 150-200 тага яқин кўй-эчкиси бор эди. Халқнинг оғир ҳолатини кўрбати мурувват кўрсатди. Молу-мулкининг, ҳаммасини кариндошурugi, маҳалладошлари билан баҳам кўрди.

Турди ТУРСУНОВ,
Самарқанд вилояти.

КЎНГЛИ ГУЛДАЙ ОНАМ КЕТДИ

Онажоним Ойпоша Жалолова бизни тарк этганига 15 йил бўлди. Ҳозир 59 ёшга тўлган бўларди. Отам билан 22 йил ҳаёт кечириб, ҳалол меҳнат билан 3 қиз ва 1 ўғилни вояга етказишиди. Тўнгич фарзанд бўлганим сабабли мени турмушга узатиб, орадан бир йил ўтар-ўтмас вафот этди. Ҳозир ўзим ҳам онаман. Онамнинг сўнгги сўларини эшига олмаганим армон бўлиб қолди. Шу ойда онамнинг таваллуд кунлари. Биз фарзандлар йигилишиб онам қабрини зиёрат қилиб, дуои фотихалар қилиб кайтидик.

Кўнгли гулдай онам кетди, гулдай сўлиб,
Мен онамни кима қилдим фарзанд бўлиб?
Хузурга борсан, йиглар дилим тўлиб,
Мени ҳеч ким согинмайди онамдайн.
Кўз ёш билан битмас экан юрак доги,
Тўйиб-тўйиб кўролмадим кетар чоги.
Шундан бери хувиллайди кўнглим боғи,
Мени ҳеч ким согинмайди онамдайн.

Дилфуза ЖАЛОЛОВА,
Тошкент вилояти,
Янгийўл тумани,
Тинчлик ж/х.



УМРИГУЛ ОПАМНИ ЁДЛА...

Армоним бор - бу дунёда,
Опам ташлаб кетди, нетай.
Жиянларим қолди бўзлаб,
Бу фироққа қандай чидай?

Ховлинг тўла гул - райхонлар,
Мисли жаннат дунён ҳолди.
Беш азamat ўғлини билан,
Назокатхон қизинг қолди.

Гулни севган жигарим-а,
Гулдек умрина қисқа бўлди.
Оразуларим кўп, дер эдинг,
Сен кўрмаган тўйлар қолди.

Ота - онам бўзлаганди,
Дунё титраб кетди гўё.
Фарзанд доди 70 ёшда
Қадларини букиб кетди.

Онажоним, руҳинг йўқлаб
Дуоларга очамиз қўл.
Сен етмаган ниятларга,
Оллоҳ очсин қизинга йўл.

Ёшим 18 да. Лекин, ёш бўлишинга қарамай, жуда кўп изтироблар чекдим. Нима сабабдан?

Бу воқеа тасодифий учрашувдан бошланди. Бизни "у" билан дугонамон та-

нишириди. У дугонамоннинг

игити, яни, ўзининг дўстси билан ҳар куни ўқишизга келарди. Биз у билан дўст тутиндик.

Биз бирга овқатланар, бир-бирумиз билан тез-тез хазил-хузул қилардик. Бир куни у дўстисиз, ёлғиз келиди. Дугонамни чакириш баҳонасида чиқиб кетаётганимда у мени йўлдан тўхтаби дугонамоннинг олдига эмас, балки менинг олдимга келганини айтди. Яна менда зарур гапи борлигини ҳам қўшиб кўйди. Биз у билан олийгоҳимиз олдиаги кафега кирдик. Овқатланиб бўлгач, у бир муддат жим қолди. Ниҳоят, гап бошлаб биринчи учрашудаёк мени ёқтириб қолганини, менсиз яшомаслигини айтди. Мен бўлсан унинг гапларини ҳазилга олиб кулиб кўйдим. "Сиз менга ишончлариз, бу шунчаки гап эмас. Сизни ишонтираман, кўрасиб, ҳали сиз хам мени севиб қоласиз", - дейа ишонтиришга уринади.

Орадан кунлар ўтди. У мени олдимга ҳар куни кела бошлади, ва айтгандек, мени уни севиб қолдим. Лекин, мен бу ҳадда ҳеч қачон унга айтмагандим. У менинг ёкиш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Бир куни: "Менга турмушга чиқинг, ўйингизга онамларни юборсан майлими?" - деб сўраб қолди. Мен яна ҳазилга олиб: "Йўқ", - дейа жавоб бердим. Бу гапни менга бир неча бор қайта-қайта айтди, ялинди. Ахир, айтинг, қандай қилиб мен унга қиз бола бўшим билан уялмасдан: "Ха, келишин", деб айтаман? Шундай қилиб кунлар ўтаверди. Биз ёзи таътилга чиқдик. У менинг ҳар куни қўнгирок қиларди, яна тоғдан унинг қўнгирогини кутардим. Ёзи таътилни қўнгирок кутиш билан ўтказдим.

Яна куз келди. Ўқиш бошланди. Биз у билан яна учрашдик, лекин бу гапли учрашув мени бутун умрга бахтсиз қилди. У менинг фотиҳаси бўлганини, тўй 24 сентябрьга белгиланганини айтиб тақлифнома узатди... Мен турган жойимда котиб қолдим, қандай қилиб тақлифномани олганини ҳаммадан олдим. У нима

учун бундай бўлганини айтди. Унинг уйидагилари, яъни, бувиси: "Энг катта неварамсан, мен тириклигимда тўйингни кўрай, чевараларимни кўлимда аллалаб ухла-

ра бўлиб уни анча эсадан чиқардим. Қалбимдаги фамгинлик ўрнини ҳушчақчақлик эгаллай бошлади. Бир куни дугонам келиб ташкарида мени сўраштанини айтди. Не кўз билан кўрайки, «у» рўпарамда турарди. Тўхтаб қолдим. Боришимни ҳам, кочишимни ҳам билмай қолдим. Шунда ўзи ёнимга келиб, мен билан саломлашди. Кўлидаги никоҳ узуги кўш нурида йилтираб кўзга ташланди. Мен ҳам саломлашдим. У ўтириб гаплашишни таклиф қилди. Мен рози бўлдим. Биз анча гаплашиб ўтириб көзга ташланди. У мен билан овқатланарди, ҳазиллашарди. Худди у уйланмагандек мен билан гаплашиб юради.

Бора-бора биз яна у билан яқинлашиб кетдик. Лекин ҳар гал унинг кўлига қарасам, унинг уйланганинг эсимга тушиб қоларди



БЕФАРҚ БЎЛМАНГ...

ва мен ундан узоқлашишга ҳардат қилардим. Вақтни қарангки, унинг тўйи бўлганига ҳам бир тайиб бўлиби. Яқинда у ўйиллик бўлди. Унинг хурсандчиликдан боши кўкка етди. Ҳар гапида "ўғлим, ўғлим" дерди. Биламан, ҳамма ўз фарзандини судади, мақтайди, яхши қўради... Лекин у яқинда менинг иккичи хотин бўлиб унга тегишини таклиф қилди.

Авваллари газетада: "Хотини бор йигитни севиб қолдим. Унга иккичи хотин бўлиб тегмоқчиман", мазмунидаги мактубларни ўқисам, ўша қиз устидан ҳам қулардим, ҳам нафртланардим. Буни қарангки, ўзимга ҳам мана шундай тақдир насиб этди... Йўқ, мен унга иккичи хотин бўлиб тегмайман. Биринчи хотин бўлмаган, иккичи хотин бўлармадим! Лекин уни ҳеч қачон унотласам керак. Мен сизлардан маслаҳат сўрамоқчи эмасман. Балки, қизларга мен каби адашманг, дейман. Қизлар, илтимос, ҳаётга жиддийроқ қаранг, бефарқ бўлманг. Бахт күшинизни ўз кўлингиз билан бой берманг.

Наргиза

Бундан 4 ой олдин уйландим. Ота-онамнинг тавсиясига кўра бўлажак турмуш ўртоғим билан танишдим ва уларнинг гапи билан ёшиш уйлай қолгани учун гарчанд "ўйнишга ҳали эрта" деб билсан-да, ота-онамнинг орзу-хаваслари борлиги учун учрашувга чекдим. Учрашувга ҳам уйдагилар

ИККИ ЎТ ОРАСИДА ҚОЛГАН КЎНГИЛ

олиб чиқишиди. Қиз нимагадир менинг кўнглигимга учча ўтирамади. Ота-онамга буни айтганимда, галимни эштишишни ҳам ислашмади. Ахир, кўнгил кўнгилга тушмаса яхши кетишига ҳеч ким қафолат берадимайди-ку! Канча қаршилик қўлсан ҳам уйдагилар келгуси ҳаётимни "баҳти қунлар билан ўтишини" қафолатлаб қўйишиди. Охир тўй ҳам бўлиб ўтди. Тўй-ку, бир кунда бўлиб ўтди. Аммо, аламли кунларнинг доги бир кунда ўтиб кетмас экан. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин, ҳаётимда ўзга воқеа юз берди. Мен Нозима исмли бир қизни қаттиқ, севиб қолгандим. Ҳаётда ҳеч қачон бойлика ва хуснга қараб баҳо бермайман, аммо севиб турмуш курмаганим сабаб бўлдими, менинг ўнга бўлган меҳрим кундан-кунга алана олиб кетди. Энди уни ҳар куни кўрмасам, сўзларини эшитмасам, кунларим ҳам, тунларим ҳам ўтмайдиган бўлиб қолди. Кечалари уйкум келмасдан унинг суртига термулиб ҳаёллар оғушида тонг оттираман. Менинг сўзларини ўқиган муҳлислар орасида эҳтимол, "уни унтишига ҳардат қилин", дейдиганлари ҳам топилар. Шошибилман. Мен кизни унотласмаслигини биламан. Келажак ҳаётимни ўзасло та-

саввур қила олмайман. Балки севмасдан уйланганим учун шу ахволга тушгандирман. Азиз тенгдошларим, сизга маслаҳатим, турмуш ўртоғингизга кўнглигиз бўлмаса, мендек аросатда қолиб юрманг. Ўзим эса сизларнинг маслаҳатингиз битилган мактубларингизни кутиб қоламан.

Нодир

АРМОН БЎЛДИНГ...

Оллоҳум ҳар кимнинг тақдирини ҳар хил қилиб яратган экан. Мен ҳам Оллоҳ томонидан яратилган мукаддас туйгу севи азобида жуда кийнляйман. Чунки мен севган қиз турмушга чиқиб кетган. "Нима учун?" - деган савол бўлиши мумкин. Нега дессангиз ҳаммасига ўзим сабабчиман. Менинг бўшлигим сабаби. Бир дўстим ҳам шу кизни севарди. Уни деб мен ўз севгимни изҳор қилолмаганим. Мана ҳозир пешона экан дўстимдаги ҳам, менга ҳам бахт қулиб бўқмади. Кискаси, у киз ўзага турмушга чиқди. Ҳозир бир ўғли бор. Яқинда яна бир фарзандли бўлади. Мен ҳаётимдан нолимайман, чунки мен севган ўша қиз бахтияни ўтишига ҳардат. Унинг бахти мен учун ҳам катта бахт. Нима бўлганда ҳам доимо тинч, тутуб ўтишини Оллоҳдан сўрайман. Оллоҳум менга бахт бермаса ҳам розиман. Энди мен бошқа ҳеч кимни севмасликка, ёлғиз ўтишига қарор қилидим. Чунки ўз бахтияни эришолмаганимга ўзим сабабчиман. Ўзимни ўзим бир умр шундай жазоламоқчиман. У қиз билан гоҳида учрашиб қоламан. Кўнгилдаги барча гапларни айтгандим. Лекин энди фойдаси йўқ. У кизнинг ҳам бошига бало бўлиб нима қиласман?

Уша қизни севишимни маҳаллада ҳамма билади. Базизда учрашиб қолганимизни билишса, кимлардиду шунади, кимлардир нотўриғи фикр боради. У қиз: "Уйланинг, тўйингизни кўрайли", - дейди. Ахир қандоқ қилиб мен севгимни юрагимдан ўчириб ташлайман. Сизлар нима дейсизлар? Менинг бутган ўйлум тўғрими?

Менда бўлган армон сизда бўлмасин, Кўзларингиз асло ёшга тўлмасин.

Бу дунёда йигит сўздан қайтасин, Ўртадаги меҳр асло сўнмасин.

Юракдан севганим эй азиз ёрим, Оллоҳдан сўрайман бахтияни доим. Суюкли ёргинам, эй ёлғизгинам, Бу ожис кўзимда бўлган нургинам.

Рустам

моқчи бўлар, аммо айта олмасди. Мен: "Сизда бир гап бор", - десам,

"Йўқ, ҳеч гап йўқ",

- дер, лекин кўларидан ёш сизиб чиқарди. Бир гал: "Бор гапни айтасиз", - деб оёқ тираб туриб олдим. Шунда у гапири берди: "Уйга совчилар келап яшти, мен уларга "йўқ", дердим, Лекин бирни ота-онамга ёкиб қолди. Уларга "йўқ" десам ҳам кўнишмаяти"... Шундан кейин у менига: "Энди ажралмасак бўлмайди", - деди. Мен эса норози бўлдим. Лекин у: "Ўз вақтида олдини олмасак бўлмайди, бунинг устига ўшиниз менинг кичик. Тўғри, "Муҳабат ёш танламайди", деган гап бор,

лекин ота-онам факат ўшанга бераман дейишишти", - деди.

Наҳотки, иккичи инсон бир-бируни

севса-ю, бу гунох бўлса...

Бизнинг севгимиздай севги ҳеч кимда

йўқ. Ва ёрим истагандайди мен ҳам сев

гимни абадий бўлишини хоҳлаб ният қиласман. Бизнинг соғ

севгимиз учун кўлимдан келганича курашаман.

Сингилжонлар! Қадамларингизни ўйлаб босинглар. "Йигит йигламасин дунёда!" - деб бир шоир бежис айтмаган.

Ўз севгингиз учун курашади. Менда бўлган армон сизда бўлмасин,

Кўзларингиз асло ёшга тўлмасин.

Бу дунёда йигит сўздан қайтасин, Ўртадаги меҳр асло сўнмасин.

Юракдан севганим эй азиз ёрим, Оллоҳдан сўрайман бахтияни доим. Суюкли ёргинам, эй ёлғизгинам,

Бу ожис кўзимда бўлган нургинам.

Д. Тошкент шахри

Ёшлик гүзәл дәвр. Бу фаслда қалблар орзу-умидларга лимом-лим түлгән бўлади. Ҳамма нарсада сир-синаот борга ўқшаб туюлаверади. Мұхаббатнинг ҳаяжонли ва изтиробли онлари ҳеч кимни четлаб ўтмайди. Балогат ёшидагилар учун ўзининг феъл-авторига жос жуфтү-жалолни топши ҳам осон иш эмас. Бу борада руҳшунослар маслаҳатидан фойдаланилса ҳам зарар қильмайди. Қизларнинг изидан ва кўзидан, ҳаттоқи буомидан уларнинг феъл-авторини бемалол билб олса бўлади. Бу ҳақда ишитларга тўртта маслаҳат тавсия этилади.

ЙИГИТЛАРГА ТЎРТ

Биринчи тавсия: Сиз учрашув жойида турибиз. Сиз кутаётган қиз, салгина уялиб, нозланиб қадам ташлаб келмоқда. Қўлидаги сумкачаси ерга тегай деб турибди. Унинг юзи лобар. Лунжида кудгичи ҳам бор. Кўзлари тиник ва хозабили...


Бундай қизлар очик табиатлидир. Юзида кулгичи бор қизларнинг аксарияти очик-кўнгил, содда ва камтар бўлади. Агар кўзи тиник ва равшан бўлса, азбарой бегаразди. Мехнатга ҳам ишишёйи баланддир. Бугунги ишни эртага кўймаслик учун имконият топа оладилар.

Қўлидаги сумкачаси оқ ёки ҳаворанг бўлса, ҳар қандай ҳолатда қизишмай, фикрини бир жойга жамлай олади. Ундан яхши маслаҳат кутишининг мумкин. Покизаликни ҳам жойига кўя олади. Аммо озигина хәёлпартлиги ҳам бор. Сиздан кўн нарсану кутади ва рашк бобида анчагина кизиқон. Рўзбордаги этишмовчиликлар билан унчалик чиқиша олмайди. Бошқалар унинг фикрини осонгина ўзгартириб юборишилар мумкин. Бундай пайтда ўз тутумидан тезигина чекина олади ва қалтис қарор кабул қилиб кўйиши ҳеч гап эмас. Уларнинг айбини кечириб туришга тўғри келади. Агар сиз оғир-босиқ бўлсангиз, бундай қиз билан чиройли турмуш куришининг мумкин.

Иккинчи тавсия: қаршинингизга юриб келаётган кизнинг ёноклари бўртганроқ, кўз қорачиги каттароқ ва қош оралиги узоқроқ бўлса...

Бундай қизлар хушчакча ва таваккалчидир. Кўнгли очик, сўзларидан самимият сезилиб туради. Суҳбатда очик-ошкорадир. Аммо гурури баланд, жиндай шошқалоқ. Агар кўлидаги сумкачаси жигарранг бўлса, оиласда тадбиркорлик кўрсата олади. Ҳар қандай одам билан очикчасига муомала қилишга мойил.

Суҳбатдошининг кўнглига қарашиб иш тутади. Бироқ мұхаббат бобида эҳтиёткор. Фақат ўз фикрига таянади. Қалбан одамнинг хаёлидаги фикрларни сезиб олишга кодир. Одамни кўп синайди ва ўзининг хис-туйғуларини кўз қарашларидан акс этириб кўя олади.



Синаалган ҳақиқатлар

ногора қилиб қўйишлари ҳеч гап эмас. Бундай ҳолнинг но-тўғрилигини ўзлари тушуниб етмайдилар.

Бундай қизга уйланган киши унинг кўнглини топиш учун кўп тер тўқиши керак бўлади. Агар кўнглини топ-гундай бўлса, жуда ширин турмуш куриши ҳам мумкин. Чунки бундай қизлар вафодорликни сезиб турсалар, рўзгор учун жонини фидо қилиб яшайдилар. Топганингизга қаноат қилиб, унга барака киритиши йўлларини моҳирлик билан эгалайдилар. Унинг феъл-авторини тушуниш учун кўп вақт керак. Ана шунда ҳам сирли бўлиб қолаверадилар.

Тўртинчи тавсия: сизнинг қаршинингизга пешвож юриб келаётган қизнинг икки юзи лўппи бўлиб, чехрасидан табассум балқиб турган бўлса. Қошлира қалинроқ, кўзлари мовий, қўлидаги сумкаси кичик ва тилларнг товланиб турса...

МАСЛАҲАТ

Аммо, бева-
Фоликни, камситини сезиб
колса, тез кўнгли совийди.
Бундай пайтда унга ҳеч қандай
маслаҳат кор қилмайди.
Ўзининг икчи хиссийётларини
тилига чиқара олмай, кўп
азият чекади. Кўнгли бир
марта дарз кетгандан кейин
фикрини ўзгартириш жуда
мушкулди. Мұхаббатга
узил-кесил чек кўйиб, гайри-
табии ҳаёт кечириши ҳам
ҳеч гап эмас.

Бундай қизга уйланишда
асло чўчимаса бўлади. Бироқ,
улар сизнинг ҳалолли-
гингизни, садоқатли эканли-
гингизни ҳар куни сезиб ту-
ришлари керак.

Учинчи тавсия: учрашувга

келган қизнинг кўз қорачиги
кичикроқ ва хирароқ бўлса.
Ияги эса салгина ингичка-
лашган, чехраси жиддий ва
оғзига бепарвороқ кўринса.
Корамтири ёки кулранг сум-
канинг кўлтиғига кисиб, ким-
тиниброк қадам ташлаб ке-
лаётган бўлса...

Бундай қизлар одатда
“ичимдагини топ” қабилида
бўлладилар. Ишончини қозо-
ниш жуда қийин. Кўп холлар-
да тор фикрлайди. Кўнглини
топиш ҳамманинг ҳам қўли-
дан келавермайди.

Бундай қизлардаги иж-
обий хислатлари шун-
дай, сухбатдошини маҳлий
қилиб кўя олади. Кўпгина иш-
ларни силлиқ ва ижобий ҳал
қила олиш маҳорати бор.
Бой-бадавлат оиласларга тез
киришиб кета олади. Ҳеч ик-
киланиши билмайди. Тавак-
калчилик қилиб, кўп ҳолларда
омади юришиб туради.
Эрни ҳам замонавий кийини-
ши, топармон-тутармон бўли-
ши учун ўйлуга сола олади.
Аммо, мұхаббат унинг учун
биричини даражали эмас.
Зебу зиннатдан завқ олади.

Яна шуни билингки,
юқоридаги тўрт ҳолат
бўйича берилган тавсиялар
нисбийдир. Инсоннинг
феъл-автори ва хис-туйғу-
ларидан тарифларга нисба-
тан юз карра нозикроқ ва
сирироқ бўлиши табиий-
дир. Барибири сиз қалбин-
гизга кулоқ солинг. Қалб
эса алдамайди.

К.НИШОНОВ тайёрлади.

-Хой, Химоятхон, қизинги Шарифани турмуша берисиз,-
деб эшиздик, шу ростми?-
тўйдан кайтаётib сурб қолди
Шоҳид опа.

-Ҳа, жойи чиқиб қолганди уншаштириб кўйдик.

-Ҳали мактабни тамомлаши-
га б ой вақт бор-бу. Бирор
қасб-хунара ўқитмайсизми?
бўш келмади кўшинилар.

-Қиз болани ўқитиб зарип кептими. Бахтини пешонаси-
га солсин.

Химоятхон адашибиди экан.
Бахт ўз-ўзидан келавермас
экан. Қизи Шарифа нозикни-
на қиз бўлган учун янги хо-
надонга кўникунича анча кий-
налди. Тўғри-да, онасининг
ўйда хоҳлаган пайтигча ул-
лайди, тўлиб-тўйиб овқат ейди.
Бу ерда эса умуман бошқача
ҳаёт. Эрталаб соат 3 да ўйго-
ниб кўча ва ҳовлиларни супур-
маса қайнонас қовогини
үйиб олади. Овқатни ҳам маз-
за қилиб ёйлайди. Қайнис-
гиллари ҳали у ишни, ҳали
бу ишни буоравериб безор
қилиб юборишидади. Аммо Шар-
ифа чидайди. Чунки онаси

ПЕШОНАГА ЁЗИЛМАГАН БАХТ

хар гал: “Кайнона-кайнатонг-
ни чизнинг қаршинингизга
пешвож юриб келаётган чикма-
гин”,-деб тайинлайди. Иккичи
